



8 март

Халқаро хотин-қизлар кун



Adabiyot, madaniyat yashasa - millat yashaydi



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 8-mart №11 (4461)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, мухтаропа опа-сингиллар!

Хурматли дўстлар!
Ҳаммамиз орқиқиб кутган мана шу гўзал баҳор кунларида, 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида сиз, азизлар билан учрашиб турганимдан гоят мамнунман.

Авалло, сизларни, сизларнинг тимсолингизда барча онахонларимиз, опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизни ана шу байрам билан чин қалбимдан муборакбод этиб, ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Бу кутлуг айёмда хурматли аёлларимизга энг самимий, энг эзгу тилакларимизни изҳор этар эканмиз, биринчи навбатда муқаддас ва мўътабар Она сиймосига таъзим қиламиз.

Аёлнинг нафосати ва назокати, вафо ва садоқати, ақл-заковати ва фидойилиги асрлар мобайнида ер юзида ҳаёт давомийлиги ва абадийлигига асос бўлиб келади. Шу боис ҳам дунёдаги энг буюк санъат асарлари, қўшиқ ва қасидалар, меъморий обидалар аёллар шаънига бағишлангандир.

Оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки сизлар билан ҳаётимиз гўзал ва мазмунли, хонадонларимиз обод ва нурафшондир.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон деб аталган жонажон Ватанимизда ҳар қайси мард йигит аввало меҳрибон онаси, оиласи, фарзандлари бахтли бўлишини албатта истайди, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, бу йўлда ўзининг бутун борлигини бағишлагашга тайёр туради.

Бугунги байрамни биз – Ўзбекистон ўғлонлари, марди майдонлари аввало, дилчимизда, қалбимизда сизларга бўлган меҳр ва муҳаббатимизни яна бир бор изҳор этиш имконини берадиган айём, деб қабул қиламиз.

Азиз ва мухтаропа опа-сингиллар!
Бугунги кунда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган мақсад ва вазифаларга эришишда сиз, азизларнинг бекиёс хиссангиз бор. Бунинг учун сизларга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 миң 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, 1 миң 75 нафари эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда.

Ўнлаб опа-сингилларимиз "Ўзбекистон Қаҳрамони", "Ўзбекистон фан арбоби", "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси", "Ўзбекистон халқ шоири", "Ўзбекистон халқ артисти" сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига, ордон ва медалларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва акаде-

миклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъдоди билан Ватанимиз раҳнақига астойдил хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги даврамизда ана шундай мухтаропа аёлларимизни, уларнинг давомчилари бўлган истеъдодли қизларимизнинг муносиб вақилларини кўриб турганимдан хурсандман.

Қадрли дўстлар!

Сизларга яхши маълум, хурматли опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида яқинда "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони қабул қилинди.

Фармонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳеч кимга сир эмас, Хотин-қизлар кўмитасидан, унинг жойлардаги бўлимларидан кўп нарсаларни талаб қилар эдик. Лекин, очик айтиш керак, бунинг учун уларда етарлича имконият борми-йўқми, бу ҳақда кўпинча ўйлаб кўрмас эдик. Бу кўмита аёлларнинг муаммоларини билгани билан, уларни ҳал этиш бўйича деярли амалий чоралар кўролмаз эди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, аввало Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг янгиланган тузилмалари тасдиқланиб, шат бирикклари ҳамда ходимларининг ойлик иш ҳақи оширилди. Уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Фармонга биноан шу йил 1 апрелдан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозимни жорий этилмоқда.

Шунга эътибор беринг, энди 8 миң 800 та билимдон, жонқуяр мутахассис аёллар оилавий муносабатларни яхшилаш, низоли вазиятлар, ажралишлар, барвақт никоҳларнинг олдини олиш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси бўйича доимий иш олиб боради.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, бугунги тез ўзгараётган, зиддиятли даврда оилавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганмасдан туриб, ижтимоий ҳаётдаги кўплаб мураккаб саволларга жавоб топиш қийин. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил қилинди ва уларнинг иш фаолиятини самарали йўлга қўйиш, бино ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, илгари Адлия вазирлиги тасарруфида бўлиб келган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш идоралари, эскича айтганда, ЗАГС идоралари туман ёки шаҳар ҳокими ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раисига бўйсундирилди. Энди улар нафақат никоҳ муносабатларига оид ҳужжатларни расмийлаш-

тириш, балки оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича ҳам фаол иш олиб боради. Масалан, оила университетларини ташкил этиш, никоҳдан ўтадиган шахслар билан суҳбатлар олиб бориш, тўй-маросимларни тартибли ўтказиш, ажралишларнинг олдини олиш ва бошқа муҳим чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, мухтаропа опа-сингилларимиздан тўй ва маъракаларимизни ихчам ва мазмунли ўтказиш бўйича ўз фикрларингизни билдириб, уни ҳал қилиб беришларингизни илтимос қиламан.

Фармонга асосан Хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўзилиб, унинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун ҳозирча 300 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда.

Ана шу маблағ ҳисобидан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар фаол тадбиркорликни ривожлантириш, аёлларнинг оиладан, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда касаначилик, томорқачилик билан шугулланиши учун зарур шароит яратлади.

Қабул қилинган Фармонга мувофиқ, кам таъминланган, шахсий уй-жойга муҳтож оилаларга уй-жой олиш учун ажратиладиган кредитларнинг бошланғич бадалларини тўлаб беришда ҳам фонд маблағларидан фойдаланиш белгиланган.

Фармонда яна бир муҳим янгиллик кўзда тутилган. Унга биноан бу йилдан эътиборан Зулфия номидаги Давлат мукофотини ўн ўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга бериш бўйича энди тартиб жорий этилди.

Энди ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафардан қизимизга бу мукофот берилади.

Бу йил 28 нафар истеъдодли қизимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бугун уларга ана шу мукофотларни сизларнинг ҳузурида тантанали равишда топширадим.

Албатта, Фармонда белгилаб берилган долзарб вазифалар ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Лекин, ҳаммамиз яхши тушунамиз, бу вазифалар ҳали – мақсад, режа, ҳолос, уларни самарали амалга ошириш учун ҳаммамиз, аввало, сиз, хурматли хотин-қизларимиз билан биргаликда фаол иш олиб боришимиз керак.

Мухтарам йиғилиш иштирокчилари! Хабарингиз бор, ўтган бир йил давомида биз халқимиз, жумладан, хотин-қизлар билан мулоқот олиб боришни давлат сиёсати даражасига кўтардик. Шу асосда қишлоқ ва шаҳарларимизда уйма-уй юриб, ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали тизим яратилди. Ҳозирги вақтда ана шу тизимнинг муҳим бир қисми сифатида марказдан тартиб энг олис туманларга жамоатчилик назорати гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг оилаларни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик, истиқлол гоҳларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, халқимизнинг кўп асрлик бой маънавий меросини асраб-авайлаш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасидаги улкан хизматларини муносиб қадрлаш мақсадида юртимизнинг ишлаб чиқариш тармоқлари, тадбиркорлик, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларида самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёлларимиз фахрий унвонлар, ордон ва медаллар билан мукофотлансин:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИСИ-

Касимахунова Анархан Мамасадикова — Фарғона политехника институтининг «Электр энергетикаси» кафедраси профессори, Фарғона вилояти

Маруфова Гулнора Махмудовна — Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари

Шаҳабитдинова Шоҳида Хошимовна — Андижон давлат университети-нинг «Ўзбек тилшунослиги» кафедраси профессори, Андижон вилояти

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ**

Утениязова Алтингул Палуановна — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси «Қорақалпоғистон» телеканалининг катта муҳаррири

**ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ
УЧУН** ОРДЕНИ БИЛАН

Раҳматуллаева Шафоатхон — Кўкчилик шаҳар мусиқали драма театри актери, Фарғона вилояти

**МЕҲНАТ ШУХРАТИ
ОРДЕНИ БИЛАН**

Бобомуродова Хосият — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира
Боймуродова Жумахон Норбоевна — Зарбдор туманидаги «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

Ирисбекова Каммуна Наринбаевна — «Алоқабанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси

Истамқулова Мафратхон Мамажановна — Наманган вилояти қирғиз миллий маданият маркази раиси

Қобулова Мавлуда Умаржоновна — Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси

Махмудова Дилбар Пиримқуловна — Эркин ижодкор, ёзувчи ва публицист

Отажанова Масуда Юлдашевна — Муҳимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалисти

Салимова Шарипа — Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира
Тохтаева Гузал Кашибовна — Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмасининг Республика Кенгаши раиси ўринбосари

Тулғенова Акшагул Абуевна — Конимех тумани халқ таълими бўлими мутахассиси, туман қозоқ миллий маданият маркази раиси, Навоий вилояти

**ДАРАҲАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

Надирханова Наталья Суратовна — Бухоро вилояти перинатал маркази директори

Турдиева Матлюба Халимовна — Самарқанд шаҳридаги 2-оилавий поликлиника бош шифокори, Самарқанд вилояти

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаева Санам Раимовна — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси Марказий кон бошқармасининг 2-гидрометаллургия заводи кран машинисти, Навоий вилояти

Абдурахимова Мухайё Раҳматуллаевна — Чимбой туманидаги «Lanextrak» қўшма корхонасининг ташқи иқтисодий масалалар бўйича директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Жумаева Мавжуда Шодмоновна — Қосон туманидаги «Кўзумчоғим» нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Қашқадарё вилояти

Зунонова Саҳабат Исламовна — «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи

Иплина Антонина Александровна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Қадирханова Малика Акбаровна — «Тадбиркор аёл» уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими раиси

Касимова Муқаддас Зайнутдиновна — Мирзо Улуғбек туманидаги Али-

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 7 март

шер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, Тошкент шаҳри

Мухаммадиева Хушвак — Пахтачи туманидаги «Авангард» фермер хўжалиғи пилласичи, Самарқанд вилояти

Садуллаева Фарахат Аминовна — Урганч шаҳридаги «Урганч миллий тикувчилик» оилавий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Саттарова Фароғат — «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи

Сафарова Замира Хайдаровна — Фиждувон туманидаги «Фиждувон Машхураси» хусусий корхонаси раҳбари, Бухоро вилояти

Турдиқулова Шахлохон Уткуровна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институтининг директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Хатамова Рислиғой Гофуржоновна — Эркин ижодкор, шоира

Юлдашева Мухаббат Айсархановна — Қўрғонтепа туманидаги «Капитал Белла» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Юлчиева Гулнора Дехкановна — «Маҳалла зиёси» Республика ўқув-услубий маркази директорининг ўринбосари

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Азизова Мафтуна Раҳматулло кизи — «Хунарманд» уюшмасининг Бойсун тумани бўлими аъзоси, гиламдўз, Сурхондарё вилояти

Жалилова Мўътабар Абидовна — Тошкент шаҳридаги «Муровват» ногирон болалар учун 2-интернат уйи тарбиячиси

Журабаева Саҳиба Эргашевна — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи сирловчиси, Тошкент вилояти

Кокотова Ольга Николаевна — Гулистон шаҳридаги «Қувонч» мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

Наврозова Лола Хушмуродовна — Қарши шаҳридаги «Санам» масъулияти чекланган жамиятининг тикув цехи устаси, Қашқадарё вилояти

Ражабова Сара Дурдиевна — Ҳазорасп туманидаги «Шовот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

ҲАЁТ ГУЛИ, ЖАМИЯТ ТАЯНЧИНИ ҲАМИША ЭЪЗОЗЛАЙМИЗ



Она дийримиз узра кўлам нафаси уфуриб турган шу кунларда барчамиз баҳор ва аёл деган ардоқли сўзларнинг бир-бирига нақадар ҳамоҳанг ва уйғун эканини беихтиёр ҳис этаемиз. Чунки, баҳор ҳам, аёл ҳам инсон кўнглида аввало ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу-интилишлар, меҳр ва саховат каби олижаноб ҳиссиётларни уйғотади.

Пойтахтимизнинг «Ўзекс-помарказ» миллий кўргазмалар залда 8 март – Халқаро хотин-қизлар кун муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Давоми учинчи саҳифада.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

2017 йилда 5 миллиондан ортиқ хонадондаги муҳит ўрганилиб, 15 миллион фуқаро билан мулоқот ўтказилди, аҳоли томонидан кўтарилган 500 мингдан зиёд муаммонинг 72 фоизи жойида ҳал этилди, 14 мингдан ортиқ оиладаги нотинч вазият бартараф қилинди. Шулар қаторида юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1 минг 100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Улар орасида юзлаб аёллар ҳам борлиги ва уларга нисбатан адолатнинг тиклангани, ҳеч шубҳасиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

Мамлакатимизда шу пайтгача хотин-қизларни энг кўп безовта қилиб келган масала – мактабгача таълим муассасаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу чўқур ўйланган сийосат бўлиб, юртимизда узлуксиз таълим ва тарбия тизимини мукамал шакллантириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, **“Келажақ – боғчадан бошланади”** деган шior баландларвоз гал эмас. Аслида ватанпарварлик, эл-юртга фидойилик бир қарашда оқийд, лекин ҳаёт талаби бўлган ана шундай долзарб ишлардан бошланади.

Биз бу йил 3 мингдан зиёд бола-лар боғчисини ташкил этишимиз режалаштирганмиз. Шундан 1 минг 200 та боғча аниқдан курилади, 1 минг 360 та боғча мавжуд биноларда ва 470 та боғча эса уй боғчаси сифатида ташкил этилади. Бу борада давлат-хусусий шериклик муносабатлари асосида худудларга бириктирилган тижорат банклари ва тадбиркорлар имкониятларини кенг ишга соламиз.

Мен худудларга борганимда шаҳар ва туманларимизда барпо этилаётган янги боғчалар, улардаги шароитлар билан танишишга алоҳида эътибор бераман. Энг асосийси, бундай ишлардан оналар, аёлларимиз, жажжи фарзандларимиз мамнун бўлмоқда.

Айни вақтда бу соҳада ҳал қилиши миз зарур бўлган масалалар ҳам кўп. Масалан, ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган қарийб 60 минг тарбиячининг атиги 21 фоизи олий маълумотли, қолгани эса ўрта махсус маълумотга эга.

Ана шу масалани ҳал қилиш учун 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб **олий ўқув юрларида мактабгача таълим йўналиши бўйича кундузги бўлимда бакалаврлар тайёрлайдиган 3 йиллик тизимни** жорий этмоқдамиз. Шунингдек, бу йўналиш бўйича **сиртки ва кечки таълим шаклида бакалаврлар тайёрлаш тизими** ҳам йўлга қўйилади.

Март ойидан бошлаб худудларимиздаги университет ва педагогика институтлари базасида боғча педагогари ва шу соҳада мутахассис бўлмаган кадрлар учун ярим йиллик ўқув дастурлари асосида **қайта тайёрлаш**

курслари ташкил этилмоқда.

Хабарингиз бор, биз ушбу соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш мақсадида яқинда алоҳида қарор қабул қилдик. Унга кўра, шу йил 1 мартдан бошлаб **боғча ходимларининг иш ҳақи икки босқичда сезиларли равишда ошириб борилади**. Ана шу мақсадлар учун 2018 йилда давлат бюджетидан 386 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилади.

Бундан ташқари, 2023 йилнинг 1 январига қараганда Ўзбекистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятидаги иқтисодий аҳоли оғир бўлган айрим туманларда мактабгача таълим муассасаларида боғча тўловлари миқдори 50 фоизга камайтирилди.

Қадри юртдошлар!

Мамлакатимизда **оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш** мақсадида тиббиёт соҳасини, хусусан, шешилч тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш, дори-дармон таъминотини яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Ана шу ишларни янги босқичга кўтариш учун жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан қарийб 1 триллион сўм маблағ ажратилиб, бу борада янги қадамлар қўйилади.

Барча худудларда перинатал ёрдам сифатини яхшилаш, оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш мақсадида халқаро молия институтларининг ёрдами ни ҳам жалб этиш тўғрисида.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг дам олиши, саломатлигини тиклашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, бир рақамга диққатингизни қаратмоқчиман. Ҳар йили касаба уюшмаларига қарашли санаторийларда дам олаётган аҳолининг 60 фоизини аёллар ташкил этмоқда. 2017 йилда 75 мингга яқин аёл ана шундай масканларда имтиёзли йўланмалар асосида соғломлаштирилди.

Шу билан бирга, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини; профилактика ва патронаж тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг қўлмал ишлар олиб боришмоқда.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши биламиз, бу соҳада ҳам муаммолар йўқ эмас. Хусусан, ҳомилдор аёлларни скрининг кўригидан ўтказиш ишлари талаб даражасида эмас. Бу борадаги жиддий камчиликларга барҳам бериш мақсадида оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларига **қизларимиз, аёлларимиз учун алоҳида тиббий маслаҳатхоналар** ташкил этилмоқда.

Бу масалаларнинг аҳамиятини сизлар она сифатида, тарбиячи ва мураббий сифатида, ўйлайманки, бошқалардан кўра яхшироқ тушунасиз.

Биз халқимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, кўп йиллар давомида оғир масала бўлиб келган

уй-жой муаммосини ҳал қилишга киришдик.

Бу борада, айниқса, ипотека кредитлари асосида курилаётган **арзон уй-жойлар** кўпчилигига маъқул бўлмоқда.

Ўтган йили шаҳар ва қишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилиб, минглаб юртдошларимиз янги, замонавий турар жойларга эга бўлишди. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларга имтиёзли уйлар ажратиш бўйича янги тизим жорий этилган, айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир.

2017 йилнинг ўзида 1 минг 207 нафар муҳтож, ногирон аёлга арзон уй-жойлар берилди. Уларнинг 972 нафарига ҳомий ташкилотлар томонидан тикув машиналари олиб берилиб, касаначилик билан шуғулланиши учун шароит яратилди.

Жорий йилда бу йўналишдаги ишларимиз янада кенгайтирилиб, 10 мингдан ортиқ ижтимоий ёрдамга муҳтож, ногирон аёллар иш ўринлари билан таъминланади. 2018 йилда аҳоли, айниқса, ёш оилаларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, арзон уй-жойларни куриш ҳажми 1,5-2 баробар оширилади. Бу мақсадлар учун 5 триллион 286 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Шу билан бирга, оғир маиший шароитда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парвариш қилаётган оилаларга 242 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Ўтган йили мамлакатимиз бўйича 120 мингдан ортиқ тадбиркор хотин-қизларга жами 2 триллион 700 миллиард сўмлик кредитлар берилди, 84 мингдан зиёд хотин-қизларимиз доимий иш жойлари билан таъминланди, аёлларни касбга ўқитиш курслари ташкил этилиб, уларда минглаб опа-сингилларимиз турли касбларга ўргатилди.

Сизларга маълумки, биз 2018 йилни юртимизда **Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологиларни қўллаб-қувватлаш йили**, деб эълон қилдик. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида тадбиркор аёлларга бу йил 2 триллион 800 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратиш мўлжалланмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш бўйича икки йиллик мониторинг эълон қилинган **оилавий бизнес, касаначилик, хусусий тадбиркорлик ривожини кенг имкониятлар очиб бермоқда**.

Ўтган йили маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш бўйича қилинган ишлар ҳам хотин-қизларнинг ҳаётини манфаатларига бевосита дахлддор, деб ўйлайман. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва бир қатор вилоятларда олий ўқув юрларининг филиаллари, истеъдодли ўғил-

қизларимиз учун улуг адибларимизнинг номлари билан аталган **ижод мактаблари** ҳамда **“Темурбеклар мактаблари”**, **“Улугбеклар мактаблари”** барпо этилди.

Албатта, микёси ва кўлами тобора кенгайиб бораётган бундай эзгу ишларимиз ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин биз бу ишларнинг барчасини катта йўлдаги дастлабки қадамлар, деб биламиз. Ҳаётимизни янгилаш, оналаримиз, опа-сингилларимизни рози қилиш мақсадида бошлаган ишларимиз биз кутган амалий натижаларни бериши учун келгусида уларни янада кучайтирамиз.

Хурматли юртдошлар!

Бугунги кунда халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар кучайиб бораётгани бутун инсониятни, жумладан, бизни ҳам қаттиқ хавотирга солмоқда. Бундай мураккаб шароитда юртимизда ва минтақамизда тинчлик ва осойишталикни асраш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Биз бу борада кўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Мана, эрта-индин Тожикистон Республикасига давлат таширифи билан борамиз. Яқин қўшнимиз бўлган бу мамлакат билан ҳам кўплаб муҳим масалаларни ўзаро муҳокама қилиб, уларни амалий жиҳатдан ҳал этиш ниятидамиз.

Биз ҳорижий мамлакатларда қонуний асосда меҳнат қилаётган, таълим олаётган фуқароларимизга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартирдик.

Юртимиздан махсус делегациялар бориб, чет эллардаги ватандошларимиз билан учрашувлар ўтказётгани, уларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш бўйича маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда зарур чора-тадбирлар қўрилаётганидан, ўйлайманки, сизлар хабардорсиз. Жумладан, жорижий давлатларда муваффақиятли ишлаб юрган юқори малакали олим ва мутахассисларимиз, врачлар, салоҳиятли инвесторлар – уларнинг орасида истеъдодли опа-сингилларимиз ҳам кўп – юртимизга таклиф этиб, ўз билим ва тажрибасини Ватанимиз равақига йўлида ишлатиши учун барча шароитларни яратиш бермоқдамиз. Чунки бу инсонлар ҳам бизнинг ватандошларимиз, Ўзбекистон фуқароларидир. Шунинг учун биз бу ишларни келгусида янада кучайтирамиз.

Маълумки, мамлакатимизда **ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштириш** мақсадида диний-экстремистик оқимга мансуб шахс сифатида ҳисобда турадиган фуқароларга нисбатан муносабатимизни бутунлай ўзгартирдик. Бундай шахсларни ўзимизга яқин олиб, дардига қулқот тугганимиз бугун ўз натижасини бермоқ-

да. Ҳозирги вақтда ана шундай минглаб фуқаролар соғлом турмуш тарзига қайтарилди.

Бу дунёда энг ёмон нарса нима? Таъназ маломат эмасми? Шу нуқтаи назардан қараганда, бу инсонларнинг оиласи, фарзандлари “Бу фалончининг хотини”, “Бу фалончининг бола-си” деган ҳар хил таъналардан қўтулгани энг катта иш бўлди. Энди улар маҳаллада, мактабда, кўча-кўйда бошини кўтариб, ижтимоий ҳаётимизда фаол қатнашиш имконига эга бўлди. Бугунги кунда ана шу фуқароларнинг ҳаётини муаммоларини ҳал этиш, ишга жойлаштириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирганларига банк кредитлари ажратиш бўйича аниқ чоралар кўрилмоқда.

Юртимизда тўри йўлдан адашган инсонлар умуман бўлмастлиги учун бу борадаги ишларни сусайтирмасдан, изчил давом эттиришимиз керак. Ўз фаолиятимизни **жаҳолатга қарши маърифат** асосида ташкил этишимиз лозим.

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидagi халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислон академияси каби илмий-маърифий муассасалар ҳам айни шу мақсадларни кўзлаб ташкил этилган барчангизга яхши маълум, деб ўйлайман.

Сиз, хурматли аёлларимиз ўзингизнинг оналик меҳрингиз, ҳаётини билим ва тажрибангиз билан фарзандларини турли хавф-хатарлардан асрашда, уларни мустаҳкам иродали, маънавий-интеллектуал жиҳатдан етуқ, жонажон Ватанимизга садоқатли инсонлар этиб тарбиялашда бундан буён ҳам куч-гайратингизни аямасиз, деб ишонаман. Айниқса, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни замонавий билимлар, касб-хунарларга ўргатишда биз аввало сизларга суюнамиз.

Хабарингиз бор, ўтган йили кўпчили ота-оналар, ёшларимиз, кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифларни ҳисобга олиб, **умумтаълим мактабларида 11 йиллик тизимни тикладик**. Бундай қарорни қабул қилишда биринчи навбатда сизларнинг фикрингизни эътиборга олганимиз, қизларимизнинг тақдирини, келажаги ҳақида ўйлаганимиз – буюм айни ҳақиқат. Чунки қиз бола узоқ шаҳар ёки тумандаги коллежда бормасдан, ота-онасининг бағрида туриб, ўзининг қадрдон мактабида ўқишни давом эттирса, унинг ўзи ҳам, оиласи ҳам тинч-хотиржам бўлади.

Фарзандлар тинчлиги, уларнинг бахти, камоли – жамиятнинг энг катта бойлиги. **Бунинг аҳамиятини ота-она бўлган одам билади. Айниқса, ҳозирги нотинч, мураккаб замонда бу ҳақиқатни янада чуқурроқ англаш – бу ҳам ҳаёт талабидир**.

Хурматли анжуман қатнашчилари! Бугунги даврамизда муҳтарам меҳмонларимиз – Америка Қўшма Штат-

лари элчиси Памела Спратлен хоним, Хитой Халқ Республикаси элчиси Цзянь Янь хоним, Франция элчиси Виолет де Вильмор хоним, Миср Араб Республикаси элчиси Амини Эльтр хоним, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиги Хелена Фрейзер хонимлар иштироқ этиб, байрам қувончини биз билан баҳам кўришмоқда. Бу азиз меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, ўз номидан самимий табриклаб, уларнинг келгуси фаолиятида катта ютуқ ва омадлар тилашга руҳсат бергайсиз.

Қадри опа-сингиллар!

Биз шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимизни янада равнақ топтириш, халқимиз ҳаётини муносиб даражага кўтариш бўйича қандай режа ва дастурлар қабул қилсак, аввало сиз, азизларнинг орзу-ниятларингиз ва манфаатларингизни рўзбага чиқаришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз. Ҳозирги кунда бу борада катта амалий ишларни бошламоқдамиз.

Бутун мамлакатимиз бўйича замонавий лойиҳалар асосида улкан курилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, **“Обод қишлоқ” дастури** муҳим аҳамиятга эгадир. Бу аввало аёлларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг кайфияти, дунёқарашини юксалтиришга жуда катта ижобий таъсир кўрсатадиган дастурдир. Ана шундай дастурларимиз асосида йўллар, таълим ва тиббиёт, маданият, спорт масканлари, уй-жойлар янгилашмоқда. Минглаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес, туризм ва хизмат кўрсатиш объектилари барпо этилмоқда.

Айниқса, ички туризм бўйича яратилган имкониятлар юртимиз бўйлаб саёҳат қилиш, ўз тарихимиз ва маданиятимизни янада чуқур билишга қаратилгани билан эътиборлидир. Ўйлайманки, Наврўз байрами муносабати билан белгиланган қўшимча дам олиш кунларида сизлар оилангиз, фарзандларингиз билан ана шундай шароитлардан фойдаланиб, мазмунли дам олиш имконига эга бўласиз.

Азиз опа-сингиллар!

Сўзимнинг охирида барчангизни Халқаро хотин-қизлар байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Менинг тилагим, менинг мақсадим битта – оилангиз, фарзандларингиз, эл-юртимиз бахтига ҳамisha соғ-омон бўлинглар!

Нега деганда, аёлларимизнинг бахти – халқимиз, жамиятимизнинг бахтидир.

Барчангизга оилавий хотиржамлик, хонадонларингизга тинчлик, файзу барака тилайман.

Доимо халқимиз, Ватанимизнинг юксак меҳри ва ардоғида бўлиш ҳаммангизга насиб этсин!

Катта раҳмат сизларга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўтабар аёл зотиға муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган қизларни рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофоти» тасвиси асосида тақдирларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сонли ва «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармонларига асосан:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳузурдаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зуққолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаоли-

ятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ тақдирлаш.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказилган тантаналарда совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Нарбаева зиммасига юклансин.

Жулибаева Шаҳодат Куралбай қизи — Нўкус давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси

Утемуратова Наргиза Алиевна — Қорақалпоғистон Республикаси Нўкус маданият ва санъат коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Аҳмедова Дилрабо Обид қизи — Андижон давлат университетининг 1-босқич талабаси

Обиджонова Эъзога Акмалжон қизи — Андижон вилояти Марҳамат қишлоқ ва сув ҳўжалиги касб-хунар коллежининг 1-босқич ўқувчиси

Бахшиллоева Гулчирай Бахтиёр қизи — Бухоро санъат коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Бозорова Сафия Сафар қизи — Бухоро вилояти Жондор туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси

Абдуллаева Висола Убайдулла қизи — Жиззах транспорт ва алоқа касб-хунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Шоқирова Азиза Илҳом қизи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жиззах академик лицейи 2-босқич ўқувчиси

Нейматова Юлдуз Қосим қизи — Қашқадарё вилояти Китоб иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Чориева Малика Шухратовна — Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси

Аъзамова Муниса Акрам қизи — Ўзбекистон давлат ҳақон тиллари университетининг 1-босқич талабаси (Навоий вилояти)

Маннонова Махлиё Ҳафиз қизи — Навоий вилояти Учқудуқ тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг дэюдо бўйича мураббийи

Ёқубжонова Шаҳноза Тўлқинжон қизи — Наманган санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Сайфиддинова Муштарийбегим Фахриддин қизи — Наманган давлат университетининг 1-босқич талабаси

Саматбоева Мафтуна Тўлқинжон қизи — Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси

Яхшиликора Раъно Илҳомиддин қизи — Самарқанд вилояти Кўшрабат қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Исоқова Гулчирай Ўқтам қизи — Ўзбекистон давлат ҳақон тиллари университетининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Мамирова Мадинабону Эркин қизи — Сирдарё вилояти Гулистон санъат коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Саҳиева Матлуба Тошпўлат қизи — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сурхондарё вилояти кенгаши қошидаги «Саломатлик ва экология» маркази раҳбари

Шаймардонова Муҳлиса Усмоновна

— Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси

Каримова Мухтасар Диллод қизи — Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Умирзоқова Ирода Абдигапбар қизи — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси

Жўраева Севара Муротжонвна — В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 10-синф ўқувчиси (Фарғона вилояти)

Эрмат

ҲАЁТ ГУЛИ, ЖАМИЯТ ТАЯНЧИНИ ҲАМИША ЭЪЗОЗЛАЙМИЗ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Унга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан Ватанимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилаётган, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фидокорона фаолият олиб бораётган аёллар, иктидорли қизлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари саҳифадаги хотин-қизлар тақдир эдилди.

Байрам иштирокчилари дастлаб Мустақиллик ва эзулик монументи — Бахтиёр она ҳайкали пойига гул қўйди. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Тантанали тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, мамлакатимиз хотин-қизларини табриклади.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётида ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони муҳим дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 500 нафардан зиёд фан доктори ва академик, 15 нафар Ўзбекистон қаҳрамони, 17 сенатор, 16 депутат бор, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини ҳамда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси

ликасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш ййлида амалга оширишга оид Давлат дастурида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Бу йилги байрам тадбири ҳар йилгидан кўтаринки руҳда ўтмоқда. Жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини ошириш, ёш авлодни ватанпарварлик, истиқлол гоғларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида, тадбиркорлик, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёлларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан бир гуруҳ қизлар аъло ҳулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқийдиги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Эътиборли жиҳати, улар сони 28 нафарга етди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокчи аёлларга юксак мукофотларни тантанали равишда топширди.

Байрам санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури билан якунланди.

Абу Бакр УРОЗОВ,
ЎЗА муҳбири

Яйра САЪДУЛЛАЕВА

ОНАМ ЭПИАН НОН

Ривоят қилишларича, бир куни Султон Хусайн Бойқаро: "Дунёдаги энг хушбўй нарсани келтиринг", деб қолибди. Унга кучоқ-кучоқ гул келтиришибди. Султон, йўқ, дебди. Қалампирмунчоқ келтиришибди. Султон бўлса, мен айтган нарсаси бу эмас, дебди. Кейин, уч кун муҳлат ичида топсаларинг топдиларинг, бўлмаса ҳаммангнни жазога тортаман, дебди. Назарлар нима қиларини билолмай ўйлаётган бошлари қотибди. Охири Навоийнинг олдига боришибди.

— Султонимиз айтган хушбўй ҳидни топиб, бизни ҳалокатдан қутқаринг, — дейишибди.

Навоий кўп ўйлаб, охири деҳқон бободан маслаҳат сўрабди.

— Тандирдан янги узилган нонни олиб бординглар-чи, — дебди деҳқон.

Навоий хурсанд бўлиб, бир сават нон билан саройга етиб борибди. Бир зумда саройни нон иси тутиб, ҳаммангн дилини яшнатиб юборибди.

— Раҳмат, дўстим, — дебди Хусайн Бойқаро.

Хосият БОБОМУРОВОДА,
"Меҳнат шухрати" ордени соҳибаси

ЮРТЛАР БОР...

Дерлар, ширин сўзининг гадолари кўп,
Ёниб турган кўзининг адолари кўп,
Юртлар бор, ҳаттоки худолари кўп,
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Кездимки, дунёнинг йўллари узун,
Фаҳми ноқисларнинг қўллари узун,
Аммо барчасининг кўрари, кўзи:
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Кимдир дўстларини сотиши мумкин,
Кимдир ўзига ўқ отиши мумкин,
Ўқ ўтмас қалъанинг борлиги ҳам чин:
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Ватан деб Ватандан кетганлар айтсин,
Соғинч ёқасидан тутганлар айтсин,
Пушаймонлик захрин ютганлар айтсин:
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Нега учган қушлар қайтади бот-бот,
Қозининг излаб келар учқур от,
Дунёда бор бўлсин меҳр, оқибат,
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Менинг Темура бобом, соҳибқироним,
Асрларни енгиб олган бўроним,

Шарифа САЛИМОВА,
"Меҳнат шухрати" ордени соҳибаси

БУРЧ

Бир куни ё майса — гиеҳ бўламиз,
Шунда ҳам ҳолингдан огоҳ бўламиз.
Шоир қаламинга сиёҳ бўламиз,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Ё ёмғир бўламиз, бўламиз шабнам,
Майсалар кипригин айлажамиз нам.
Ногоҳ ҳазон мисол тўқилганда ҳам
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Юлдузлар қулгусин ичганда ҳилол,
Сочларин дарёда ювса мажнунтол,
Бир бойчечак бўлиб, сурганча хаёл,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Биз сингил, ё ини, ёки оғамиз,
Бағринда дарё ё тоғдек қоламиз,
Ғаним бошига тош бўлиб ёғамиз,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Кўксингда қулдулар бўлиб чопамиз,
Арча бўлиб тоғлар кўксин ёпамиз,
Бургут бўлиб чўққинг излаб топамиз,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Сендан хаёлда ҳам кетмаймиз нари,
Онасини қучган фарзанд сингари,
Сўнг сўз ёзганда ҳам умр дафтари,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!..

умри ўтмасданок одам юрса оёғи, қуш уса қаноти қуядиган дашту биёбонга айланадию, биз ҳаммамиз келажак авлодларнинг қарғишига учраймиз. Бахтимизга, ўтган авлод-аждодаларимиз бизга Ватанни мерос қилибгина қолдирган эмаслар, балки бу Ватанни чин юракдан севишни, унга фидокорлик билан хизмат қилишни, унинг хуснига хусн, бойлигига бойлик қўйишни ҳам мерос қолдиришган. Ватанни севишмоқ имондандир, деб таълим беришган улар. Демак, ҳар бир одам учун Ватанни севиш ҳам фарз, ҳам қарз.

Ватанни севиш ва, айниқса, бу севишни амалда намоен қилиш унчалик осон иш эмас. Бу одамдан жуда катта жасоратни, бардошни, чидамни талаб қилади. Қизиғи шундаки, Ватан ўз фарзандларидан ҳар ойда, ҳар ҳафтада, ҳар соат, ҳар сонияда жон фидо қилишни талаб қилмайди. Ватан йўлида содир бўладиган бундай фидокорлик энг юксак, энг олий фидокорлик бўлиб, у фавқуллода ҳолларда рўй беради. Лекин Ватан севиғиси одамдан

ро нонни кўриб. — Кўнглим янги ёпилган нон исини истаган эди... Дунёда янги ёпилган ноннинг исидан кўра ёқимлироқ хид йўқ экан.

Ҳар гал бу ривоятни ўқиганимда алланечук бўлиб кетаман. Кўз олдимга кенггина ошқонамиз, катта-кичик ўчоқлар ёнига қурилган тандиримиз келади. Ана, онажоним биз болаларига ишонмай, тандирга ўзлари ўт қалайтилар. Тандир тушибди, дейдилар-у оловдан ўзлари хабар оладилар. Тоғорадаги ошган хамирнинг хиди ҳам бошқача. Онам хамирни сутга қоридилар. Керагича ёғ солиб юборадилар, зувалани бирга тугамиз. Нон ясаймиз, чакич урамиз. Қўлимиз келишмаса ҳам сабр билан ўргатадилар. Ясалган нонлар сал тинган бўлади. Уларни саватга солиб ўчоқ бошига олиб борадилар. Обдан қизиган тандирнинг ўтини пасаитириб, нон ёпилмиш жойларга сув сепаиб юборадилар. Ундан повуллаган, жизиллаган, фақат шу ҳолатгагина хос овоз чиқади ва хид таралади. Онам ўнг қўлига рапида қиядилар. Яна бошларини ўнгу сўлга энгаштириб-энгаштириб тандирга қараб оладилар. Сўнг рапида устига ясалган нонни қўйиб, унга қатик, жизза суртиб ёпадилар. Биз нон қизараётган пайтда таралаётган тотли хидни жуда ёқтираемиз. Айниқса, укаларимнинг бунақа вақтда тандир олдида кетгилари келмайди. Ўзларига аталган қулчани қутишади. Онам ҳам ҳар гал, «Бу — Шухратга», «Бу — Бахтиёрга», «Бу — Туйғунга» деб номма-ном



қулча ясадилар. Эшикли уй, битта-ярымта бола-бақраси билан келиб қолишини ўйлаб яна уч-тўртта қўшимча қулча ҳам ёпадилар. Биз қап-қатта бўлсак-да, айна шу қулчадан егимиз келади. Ўзиям чиройли-да! Онам тандирдан қип-қизил пишган бўрсилдоқ нонни узиб, қосадаги сувдан сурадилар. Нимтатир буг кўтарилади. Нон яна ҳам ярақлаб кетади. Онам қўшниларга иккитадан нон чиқарадилар. Қўшининг ҳақи дейдилар. Ўзлариям икки тандир ёпадилар-да. Уларнинг патирини қаймоққа қорилган дейсиз. Мен шу ёшга кириб бирор марта онам ёлган патирдек мазали нон емаганман...

БАҲОР МУКОФОТЛАРИ

Қонидан қўшилган бир қатра қоним,
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Ёр юзин қаратган кўркам Самарқанд,
Қирқ йил шоҳи бўлган Улғубекдек мард,
Кўксимдаги қувонч, кўксимдаги дард,
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Биров бор, онасин ташлаб кетади,
Биров бор, боласин ташлаб кетади,
Аммо Ватан ташлаб кетмас ҳеч қачон,
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Нега томирига сиғмай борар қон,
Эрларнинг жони ўн, меники қирқ жон,
Бер деса, барини қиламан қурбон,
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

ГУЛИНГ БЎЛАЙ...

Меҳринга кун сайин қониб борарман,
Ватан, гулинг бўлай қучоқларингда.
Сеҳриндан юрагим ёниб борарман,
Ватан, тулхан бўлай ўчоқларингда.

Изин суртай қўларимга мардингни,
Берил бир жонимга қирқта дардингни,
Ёвга раво кўрсам зарра гардингни,
Тилка-тилка бўлай пичоқларингда.

...Тугинг нафасларин ичганда дунё,
Ўзбек деган номга тўлганда само,
Биз бағринда ётиб, қилганча дуо
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

ДИЛБАНДЛАРГА

Дўшнинг осмонга от,
Қирларда қунаб югур.
Дарёда оқсин армон,
Қушлар билан сўхбат қур,
Ўзбекистон сеники.

Кишанларни босиб ўт,
Товонингда бўлсин қул.
Улуғ эркиннинг пойига
Бошинг теккунча эгил.
Ўзбекистон сеники.

Навоийни кўзга сур,
Булбул ўқсин тилингда.
Бу дунё ўтаверсин
Ўзбек деган элингда,
Ўзбекистон сеники.

Дилдаги жирканч қулнинг
Узиб ташла бошини.
Тиллоларга менгзама
Она замин тошини.
Ўзбекистон сеники.

Имони заифларни
Журъат ила тиклаб қўй.

бир қарашда маҳобатли кўринмайдиган, инсоннинг оддий фаолиятидан кам фарқ қиладиган, аслида эса жуда машаққатли меҳнатдан иборат бўлган қундалик жасоратни талаб қиладди.

Ватанга муҳаббатингизни амалда намоен қилмоқ учун фалон қилинг, пистон қилинг деб кўрсатма беролмайман. Ҳаётнинг ўзида сиз қилишингиз мумкин бўлган юмушлар оёқ остидан чиқиб қолади. Ҳозир ўзи турган жойда ободончилик ишларига ёрдам бераётган, мактабларга, болалар боғчаларига кўмаклашадиган, ижодкорларнинг китобларини чоп этиштиришга маддадлашаётган, қўли қисқароқ оилаларга болаларнинг тўйларини ўтказиб бераётган ва яна қанчадан-қанча саховатпеша ишларни қилаётган одамлар ҳақиди ҳақбарлар кўпайиб қолди. Буларнинг бари элу юрт равнақи йўлида қилинаётган савоб ишлардир. Агар бордин-ю, бунақа ишларга ҳам қўрбингиз етмаса, ҳечқиси йўқ, ўқинманг — жилла бўлмаса, тўрт-беш туп дарахт экинг,


ҳовлингиз атрофини обод қилинг, лоқал, эшигингиз тағига бир туп қирқоғайни экинги, ўтган-кетганлар яшанган гулларни кўриб, ичларида «баракалла» дейишин. Бундай ишлар ҳам юртимизнинг хуснига хусн, чиройига чирой қўшади-ку.

Одам ота-онасини танлаётганидек, Ватанни ҳам танлаётмайди. Албатта, Аллоҳ одамга Ватанни музликлардан ҳам, сахарлардан ҳам, чангалзорлардан ҳам ато этиши мумкин. Лекин сиз билан бизга Аллоҳ Ўзбекистон деб аталган, тупроғида олтин гуллайдиган, қишларида баҳор шивирлайдиган, тоғ деса тоғ бор, боғ деса боғ бор, ҳар тонгда булбуллар мадҳини ўқиб тамом қилолмайдиган бир юртни Ватан қилиб берган экан, бунинг учун ўзимизни БАХТЛИ деб билмоғимиз керак. Президентимиз айтганидай, шукроналар билан яшамоғимиз керак. Ватан бизга ато этилган улуг нъमतдир, Ватанга муҳаббат ҳам ҳар биримизга берилган улуг нъматдир.

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ЎЛСАМ АЙРИЛМАСМАН ҚУЧОҚЛАРИНГДАН

Ватан туйғуси ҳиқиди



Ватан. Ватан туйғуси. Ватан муҳаббати. Нимадир булар? Булар қандай сеҳрли қудратки, ҳали вояга етмаган, дунё кўрмаган, турмушининг паст-баландларидан беҳабар, уйину шўхликлардан ўзга дарди йўқ бир ўсмирнинг юрагига жо бўлиб олиб, бутун умр унинг хати-ҳаракатини, юриш-туришини бошқариб туради. Бу туйғу инсон фарзандида тугма бўлармикин? Ёки гўдак тамшана-тамшана онасини эмганида, она сути билан бирга бу туйғу унинг ҳам томирларига югурармикин? Умуман, «Ватан» деганингда ўзи нади? Тугилиб ўсган уйингми? Бешингда қулонингга кирган мунгли ва айна чоғда нурли аллами? Бувингнинг эрткаларини? Мактабми? Илк бор висол онларига гувоҳ бўлган сўлим хиёбонларими? Албатта, буларнинг ҳаммаси ва яна алақанча нарсалар бирлашиб, «Ватан» деган нарсанинг сўнмас тимсолини яратса керак. Ва яна ўйламанки, боланинг мурғак қалбидидаги илк бор пайдо бўлган Ватан тимсоли ҳар қанча ёрқин бўлмасин, ҳали ўзининг шаклу шамойилини тўла топиб улгурмаган бўлади. Ватан туйғуси инсоннинг ўзи билан бирга ўсиб-ўла-аядиган туйғу бўлар экан. Таҳрибатингиз ортгани сари, ҳаёт дошқозониди қайнаб пиша борганингда сари Ватан деган нарсани чуқурроқ қадрлайдиган бўлиб қоласиз, Ватан ҳақидаги тасаввурингиз тўлишиб, кенгайиб, бойиб боради. Ватан туйғуси бутун вужудингизни қамраб олади, ҳар бир ҳужайрангизга томир ёзади. Сиз энди англай болайсизки, Ватан нафақат жўшқин ёшлик дамлари билан боғлиқ сўлим маскандир. Инсон ҳам ниҳоддай гап — уни ундириб ўстирадиган она

замин бор, қуёш, сув, ҳаво уни ўз нъёматларидан баҳраманд қилади. Шунинг учун буларнинг бари инсон учун азиз ва ардоқли.

...«Ватан» тушунчаси муайян жўғрофий ҳудуднигина қамраб олмайди, балки унинг таркибига бутун жамият, унинг кечаги кўни, бугуни ва эртаси ҳам қиради. Шунинг учун мен «ўлсам айрилмасман қучоқларингдан» дея бот-бот такрорлаганимда биламанки, мен ватанимга керакман. Кимлигимдан, ёшу қарилгимдан, касбу қоримдан қатъи назар. Биламанки, менсиз Ватанимнинг нимасидир кемтик, нотўқис бўлиб қолади. Айна чоқда шуну ҳам биламанки, Ватаним менга кўпроқ керак. Ватан менсиз яшаши мумкин, лекин мен ватансиз яшаёлмайман!

Яратганга беадад шукроналар қиламан, баъзан эса Ватанимнинг менга кўрсатган беҳисоб иноятларига, элу юрт ардоғига муносиб жавоб бера олаётганим йўқ, Ватан олдидаги фарзандлик бурчимни тўла ўтаёлмайман деб ўқиниб қўяман. Бу ўқинч мени кўп нарсалар тўғрисида ўйлашга ундайди. Ахир, бу беқиёс гўзал Ватан Аллоҳнинг эл қатори менга ҳам атаган буюк тухфаси. Мендан аввал ўтган авлод-аждодаларим уни ҳаммики бетакрор жозибаси билан, туганмас хазиналари билан менга мерос қолдирган. Хўш, нима қилмоқ керак? Текин мерос экан деб унинг бойлиқларини бир чеккадан соваврувершим керакми? Ахир, ётиб еса тоғ чидамас экан. Йўқ, орқа-олдимизга қарамай совавруш йўлини тутадиган бўлсак, бу гўзал ўлка уч-тўртта авлоднинг



Занглаган виждонларни
Баҳор бўлиб қўқлаб қўй.
Ўзбекистон сеники.

Эрк сўзи — жон сўзидир,
Жонин ўғлонингга бер.
Қовли битик — тарихни
Рухи равонингга бер.
Ўзбекистон сеники.

Ватан ишқи илоҳий,
Ўтучи замин, замон.
Бўтадек зулаб сўра:
Она юрт бўлсин омон.
Ўзбекистон сеники.

Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" асарида ёзиб қолдирган адабиётшуносликка оид қимматли маълумотларнинг айримлари бири-бирига жуда яқин ёки ҳар икки ижодкорга тааллуқли. Бундай умумий маълумотларни бир муштарак адабий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Муштарак адабий ҳодисалар жаҳон адабиётдаги турли адабиётлар, бир ҳудудда яшовчи адиблар ижоди ва бир даврда яшаган ижодкорларга ёки айрим олинган шоирлар ижодига хос бўлиши мумкин. Биз муштарак адабий ҳодисаларнинг айрим олинган ижодкорлар ижодига хос кўринишнинг тегишлик Уйғонши даври вакиллари — Абулвафойи Хоразмий, Алишер Навоий ва Бобур ижодига кузатдик.

Мақолада Алишер Навоий ва Бобур ижодига битилган ниҳоятда кам учрайдиган таворуд каби ноёб муштарак адабий ҳодисани ҳамда Абулвафойи Хоразмий ва Бобур ижодига маҳорат билан назм ва насрда қўлланган, Шарқда машҳур бир мақол асосида яратилган ирсолли масал сингари адабий ҳодисани аниқлаб, танлаб олдик. У-

зо — хуб таъблик, тез идроклик, шўх эҳ-лик, қавий ҳофизалик йигит эрди. Оз фурсатда яхши толиби илм бўлди ва кўпроқ улум ва фунун-дин ўз мутолааси билан вуқуф ҳосил қилди. Шейр ва муаммони хуб англэр эрди, балки кўнгли тил-ласа айта ҳам олур эрди. Бовужуди бу фазойил дарвешларга мойил бўлур, Макка зиёрати шара-

Тадқиқот, ахборот

бўлган Кичик мирзо рубойиси тўғрисида ёзар экан, биринчидан, таворуд Хирот адабий муҳити-даги бошқа ижодкорлар томонидан тан олин-байтилганини "Баъзи дерларким" дея таъкидлаб кўрсатса, иккинчидан, ўзи ҳам замондош шоир-ларнинг таворуд ҳақидаги мазкур баҳосини му-наққид сифатида ўрганиб, қадрлаб ўз хулоса ва розилигини "Андоқ дағи бўлса, улуг давлат турур" дея луфт билан баён қилган. Тарихий манбалар-да, Алишер Навоийнинг меҳри, хурмати Кичик мирзога ва ўз навбатида Кичик мирзонинг ихлоси, эътибори Алишер Наво-ийга ҳам ўзгача бўлганли-ги, ҳатто бу муносабат у яқинликини ифодаловчи расм чизилганлиги тўғрисида ҳам хабарлар ай-тилган. Бу ҳақда навоийшунос Қ. Эргашов шун-дай изоҳ берган: "Уша давр миниатураларидан бирда Алишер Навоийнинг Кичик мирзо билан суҳбатлашиб тургани тасвирланган". Алишер На-воий "Соқийнома" асарида Кичик мирзонинг на-вқирон, ўттиз уч ёшда бевақт вафот этганидан қаттиқ кўюниб, чеккан изтироблари ҳақида, унинг отасига берган тасаллилари борасида ҳам қатор байтларни ёзиб қолдирган.

Фикримизча, Бобур эса бу таворудни Кичик мирзонинг донишмандлик фазилати билан боғ-лаган.

Абулвафойи Хоразмий ва Бобур ижодига хос бўлган муштарак адабий ҳодисани белгилашда биз яна ихлос билан Алишер Навоий ижодона-сига юзланамиз. Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасининг "Аввалги мажлиси"да ўзининг хурмати ва эътиқодини изҳор қилган ҳамда "Хожа авсофини ҳар киши битар бўлса, алоҳида бир китоб битмак керак, маълум эмас-ким бу китобда ҳам сиқайму ё йўқ" дея шараф-лаган, ижодкорларни у ҳақда китоб ёзишга ун-даган ва Хоразм халқи "Ер фарштаси" дея улуг-лаган, эъзозлаган Хожа Абулвафойи Хораз-мий(14-асрда, Шохрух мирзо замонида яшаб, ижод қилган шайх ва шоир, бизга 100га яқин рубойилари етиб келган, Х. Абдуллаев ва Э. Очи-лов каби олимлар унинг рубойилари хусусида тадқиқот ва таржималарни амалга оширган) ҳақидаги фикрасида унинг форс тилида битган чукур фалсафий мазмундаги бир рубойисини намуна ва далил сифатида келтиради:

**Бад кардаму эътизор бадтар зи гуноҳ,
Зеро ки дар ин ҳаст се даъвий табоҳ,
Даъвий вужуду даъвий қуввату ҳавл,
Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ.**

Рубойи таржимаси: *Гуноҳ қилдим, узрим гу-ноҳимдан ёмон, бу узрда учта бузилган даъвои: вужудни, қувватни, кўрқувни даъво қилиш бекор-дир. Чунки кўрқув ҳам, куч-қувват ҳам Оллоҳдан-дир.*

Англашимизча, ушбу рубойи улуг шоирга жуда маъқул келган бўлса керакки, мазкур шеърни у "Насоийим ул-муҳаббат" тазкираси-да келтирган саккизта рубойи қаторида ҳам тилга олган. Агар рубойида диққат қилсак, Абул-вафойи Хоразмий рубойининг биринчи "Бад кардаму, эътизор бадтар зи гуноҳ" мисрасида Шарқда машҳур бўлган, ҳозир ҳам сўзлашувда бор бўлган "Узри гуноҳидан ёмонроқ" мақоли-ни маҳорат билан қўллаганига ва назмда ир-соли масалнинг бетақрор намунасини ижод этганига амин бўламиз.

Хулоса шунки, биз юқорида таҳлил ва талқин қил-ган таворуд, ирсолли масал каби муштарак ада-бий ҳодисалар Алишер Навоий, Абулвафойи Хо-размий ҳамда Бобурнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ айрим муштарак жиҳатларини очиб бериш билан бирга, уларнинг ўзига хос баъдий маҳора-тини кўрсатувчи мезон ҳамдир.

**Буробия РАЖАБОВА,
ЎТАФИ катта илмий ҳодими,
филология фанлари номзоди**

Таниқли ёзувчи Наби Жалолиддиннинг "Энди куз..." номли тўпламини ўқиб, ҳолис бир тақризни кўнгила туккан ва яна "Сўзга хиёнат қилмаслик — бахт" деб сарлавҳа қўйган эканман. Унда ушбу мақола мағзига муносиб мана бундай гаплар бор эди: "Айни ёзининг саратони... Иш столида "Энди куз..." пайдо бўлди. Бу тўпламни менга ким шингани эсимда йўқ. Аммо китобчани муаллифнинг ўзи атайин атамгани аниқ. Агар шундай бўлганида, эҳтимол, ички муқовада икки сатр дастхат ва ё бир оғиз дол сўзи ёзиларди...".

СЎЗГА САДОҚАТ

Унинг тозалиги дилмига ўтирди. Сув-ратидан кўра ижодкорнинг сўзидан ўзини таниган ва юрак дардига қулоқ тутган яхши. Адабий жараённинг ялқов кузатувчиси бўлсам-да, ора-сира мат-буотда Наби Жалолиддиннинг шеърла-рини мутолаа қилганим бор. Бироқ қуроқ парчалардан тасаввур бутунлаш-ган эмас. "Энди куз..."ни ўқиб, шоир-нинг юрак зарбига ташхис қўйишга му-носиб яхлит тасаввур пайдо бўлди. Шунда беихтиёр ижодкорга қараб: "Хорманг, ака!" дегим келди.

Наби Жалолиддиннинг шеърини ки-тобда қилишса, ву-жудига сиғмаган бир юрак Адабий жараён кўриди. Сўзлар жамулжамидан соҳир сўз эга-сининг кайфияти кўзим ўнгига гавда-ланди, кўнгиладан садоси қулоғим остида жаранглади. Ҳамма биладидан бир ҳақиқат: Садриддин Салим Бухорода, Матназар Абдулҳаким Урганчада, Тўра Сулаймон Гулистонда, Шафоат Раҳма-тулло Термизда туриб секин йўталса, гумбурлаган товушлари Ташкентгача етар эди. Барчаларини Худо раҳмат қилсин. Улар негадир ҳаёлимга муай-ян бир ҳудуднинг шонли, тоза тарихи бўлиб муҳрланган... Наби Жалолиддин уларнинг муносиб издоши ва давом-чиси бўлишга лойиқ, деб ўйладим... Умри узун бўлсин!

Юракдан томчилган томчилар — уч-чанок ичидаги дилтомчилар. Шоирнинг лаҳзалари жонталаш бўлаётганда "Дило-о" деган овози қулоққа чалин-ди, "Шеърга сигмас меҳрибоним "Оҳ!", "Ў, андуҳим соғиниб кетдим", дегани-ча оҳ уради, баъзан "Аё" деб юрагини бўшатади. Хис-туйғуларини қолипга солмайди. Бир сўз, дейлик, "муҳаббат" ёнига таниш тиниш белгиларни қатор-лаштириб, сўзларни тақрорлаб ҳало-ват топади. Шоирнинг бундай дил тан-бехлари рост ва чин. Чунки унинг эъти-рофи: "Сўзга қилсанг хиёнат, сўз ура-ди". Китобдаги "Икром Отамурод ҳақида уч шеър" — қизиқарли, таъсир-ли, тасвирли, воқеабанд, сюжетли. Сукут сақлаб ўтирган, сўзига субутли бир ижодкорнинг портрети шеърда на-моён. Албатта, бу ҳол-сувратни Икром Отамуроднинг таниганлар дарвор тасав-вурида тиклайди. Ёшларни қўллаб-қув-ватлаган, матбуотдаги биринчи чиқиш-ларига ўнг сўзлар ёзган...

Наби Жалолиддиннинг Ёзувчилар уюшмасига тақдим этган "Оралик" ро-мани қўлёзмаши муҳокамасида қатнаш-ган эдим. Кейинчалик асар "Хайём" номи билан босилди. "Йиғи", "Ўлим-нинг ранги" қиссаларини ўқиганман. Афғон уруши мавзусида. Уруш майдо-ни даҳшатлари... Бир ёшгина афғон кизини шўро аскарлари қандай ваҳши-ёна ўлдирганлари ақсаланган эпизод ҳали-ҳали кўз олдимда турибди. Қис-салар менга маъқул бўлган эди.

Унинг яхши ҳикоялари бор. "Эркаги бор уй"ни, "Байроқ" ва "Тупроқ"ни ўқиганман. Баёнида реализм, шоиро-на лиризм сезилади. Ўзбекнинг ша-ни, гурури, хурлигини улуглайди.

Бир куни кўнғироқ бўлди: "Наби Жа-лолиддиновман". Уч-тўрт оғиз гаплаш-дик. Шеър китобини эслатдим. Мам-нун бўлди. "Тегиримон"дан гап очди, "Чўлпон" нашриётига топширибди. Бир кур кўздан ўтказишимни илтимос қилди. "Агар чўлпоншоно Дилмурод Куронов ўқиган бўлса, шунинг ўзи ки-фоя", дедим. Аммо менга ҳам илини-ди. Кейин кўшиб кўйди: "Кечаги "Ада-биёт" газетасидаги Сўзлар жамулжамидан соҳир сўз эга-сининг кайфияти кўзим ўнгига гавда-ланди, кўнгиладан садоси қулоғим остида жаранглади. Ҳамма биладидан бир ҳақиқат: Садриддин Салим Бухорода, Матназар Абдулҳаким Урганчада, Тўра Сулаймон Гулистонда, Шафоат Раҳма-тулло Термизда туриб секин йўталса, гумбурлаган товушлари Ташкентгача етар эди. Барчаларини Худо раҳмат қилсин. Улар негадир ҳаёлимга муай-ян бир ҳудуднинг шонли, тоза тарихи бўлиб муҳрланган... Наби Жалолиддин уларнинг муносиб издоши ва давом-чиси бўлишга лойиқ, деб ўйладим... Умри узун бўлсин!"

Қаҳрамон бошини бувисининг тиз-засига қўйганча: "Мен одам ўлдирма-ганман, буви, мен одам ўлдирмаган-ман!" деган қалб нидоси, ўзини таф-тиш этиши, қийналиши, ўша хотирлар-дан қутула олмаётган собиқ шўро ас-карининг ич-ичидан ингрешлари ҳико-яда садо бериб турибди.

У одам ўлдирмаган... Унинг ҳолига раҳматли бувиси ҳайрон эди. Йўқ-йўқ — она юраги ўғлининг юраги билан ба-рорбар урар эди. Урушда қатнашганлар ҳолидан савол сўралганда масжид имо-ни: "Улар (уруш оған ҳукмдорлар — Б. К.) бирламчи айбдордирлар ва жазага мустаҳқикдирлар. Сиз эса гуноҳкор эмассиз..." деган жавоби қаҳрамонни хотиржам қилиши мумкин. Агар у жан-гда кимнидир отиб ўлдирган бўлса, гу-ноҳи буйроқ берганнинг гарданига ту-шади. Бироқ онаизорнинг дастурхонга ичкилик қўйишига аввал хайратландим. Кейин нимадир англашди. Оналар шундай меҳрибон ва табарруқ зоғлар-ки, фарзандлари осойиши учун жонла-ридан кечигага тайёр. Ўғил она ҳолини тушунади ва ўзини қўлга олиб, нури дийдасининг кўнглини хотиржам қила-ди.


"Сени яхши кўраман, ҳаёт" — Бу Наби Жалолиддиннинг насрдаги шеъ-ри, бу ҳикоя эса шоирнинг "таскинбахш нола"сидир.

**Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори**

МУШТАРАК АДАБИЙ ҲОДИСАЛАР

сусан, Алишер Навоий ва Бобур ўзларининг те-мурий шаҳзода Кичик мирзо(1451 — 1484) ҳақида ёзган тарихий маълумотларида таво-рудга тушган жуда гўзал рубойисини таъкид-лаб кўрсатган ва бирдек таворуд истилоҳини қўллаган. Улар таворуд сабаб темирлийлар Уйғ-онши даври мутафаккири Абдурахмон Жомий ижодига очик ва яширин талмех(Нуран Махдум, Мулло нисбаси)да, Кичик мирзо ижодига эса очик талмех воситасида юксак баҳо берганлар. Урганшиимизга кўра, Ўзбекистон Қаҳрамони Су-йима Фаниева ва атоқли навоийшуносларнинг таворудга берган таърифлари бир-бирини тўлдирди, чунончи: "Таворуд (арабча: кетма-кет келмоқ, бир-бири билан тасодифан бир ерга тушиб қолмоқ) — адабиётда шеърни бир-бири-дан хабарсиз ҳолда икки шоир томонидан яра-тилиш ҳодисаси, тасодифан бир-бирига айнан ўхшаб қолиши" (Е.Исҳоқов, М.Ҳакимов).

Султон Хусайн Бойқаронинг жияни шаҳзода Кичик мирзонинг форс тилида ёзган бир рубо-ийи тасодифан улуг шоир Абдурахмон Жомий рубойиси билан бир-бирига айнан ўхшаб — та-воруд воқе бўлади. Ушбу гўзал илҳомий жара-ён бўлмиш муштарак адабий ҳодиса Хирот ада-бий муҳитида шухрат қозонади, қалам аҳли ора-сида Абдурахмон Жомий ва Кичик мирзо ижо-дига ҳавасу рағбат, қизиқиш ортади. Бу ҳақда Хирот адабий муҳитининг раҳбари ва ҳомийиси Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг "Со-ҳибқирон Амир Темур ва йигирма нафардан зиёд темирлийлар ёдга олинган еттинчи мажлисининг Ки-чик мирзо зикрида ва Бобур "Бобурнома"нинг Султон Хусайн Бойқаро ҳақидаги "Валодат ва на-саби" номли фаслда ёдга олган ва фикрлари исботи учун шаҳзоданинг машҳур рубойисини кел-тирган. Биз ўқувчиларнинг Кичик мирзо тўғриси-да тўлиқроқ маълумотга эга бўлишларини истаб, мақолада Алишер Навоий ва Бобурнинг шаҳзода ҳақидаги ҳасби ҳолини, таърифу тавсифларини тўлиқроқ ҳолда беришга уриндик. Аммо ҳар икки даҳо ижодкор Кичик мирзога ўз асарлари хусуси-ятдан келиб чиқиб маълумот ва баҳо берганли-гини ҳисобга олишимиз керак. Масалан, Алишер Навоий тазкирасида Кичик мирзонинг фазилати ва иқтидори билан боғлиқ ўндан ортиқ сифатла-рини санаб кўрсатса, Бобур мемуарида унинг "таъби назим"дан ташқари қисман автобиографи-ясини, жумладан, Султон Хусайн Бойқаронинг Оқокегим исмли опасининг ўғли, отаси Султон Аҳмад мирзо, унинг асли исми Муҳаммад Султон мирзо эканлигини, у отаси билан подшоҳ тоғаси қўлида муайян вақт ҳарбий хизматда бўлганлиги-ни ҳам айтган. Алишер Навоий ёзади: "Кичик мир-



фига мушарраф бўлди. Аммо бағоят мустағни киши эрди. Бўла улурким, фақир истигноси эр-кан бўлғай. Бу рубойи анингдурким:

**Умри басаллоҳ месутудам худро,
Дар шейайи зухд менамудам худро,
Чун ишқ омад қадом худро, чи салоҳ,
Ал-миннату лиллоҳ, озмудам худро.**

Баъзи дерларким, бу рубойи ҳазрат Махдумий Нуран била таворуд воқе бўлуртур. Андоқ дағи бўлса, улуг давлат турур".

Ёки Бобур "Бобурнома"да ҳам Кичик мирзо ру-бойисини айнан келтиради ва шундай ёзади: "...Бир ўғли бор эди, Кичик мирзо олтиг. Бурун-лар тағойисига мулозамет қилур эди, сўнгра сипоҳийлиқни тарк қилиб, мутолаага машғул бўлди. Дерларким, донишманд бўлур экандур. Таъби назми ҳам бор экандур..."

"Муллонинг рубойисини била таворуд бўлуртур. Охирлар ҳаж тавофи ҳам қилди".

Таворуд бўлган рубойи таржимаси: *Умр бўйи ўзимни яхшилик била мақтадим, ўзимни зоҳид ва тақводор қилиб кўрсатдим. Ишқ келгач, зоҳидлик қайда қолдию яхшилик нима бўлди? Оллоҳга шукрим, ўзимни синадим.*

Қизиғи шундаки, Навоий таворудга сабаб

Рауф Субҳон адабиёт майдонига истеъдодли тендошлари Аззам Ўктам, Чори Авазлар билан елкама-елка кириб келди. Устозлар даврасида "суяги қотди". Илк шеърини чоп этиб қувонди, "Афсонанинг давоми", "Тадриж", "Инонч" китоблари нашр этилди, кўннинг назарига тушди.

Адабиётнинг даргоҳи кенг. Бу маконда ҳар кўнгил ўз розин айтиш имконига эга. Рауф Субҳон — Рауф Субҳон бўлиб буй кўрсатувчи ушбу китобларни варақлаб, бир кўнгиладан розини тинглаймиз. Уни та-нийимиз. Шеър — руҳнинг меваси, руҳ озиғи. Шеър кайфиятдан туғилади, кайфият уйғотгади.

ҚАЛБ ТОМЧИЛАРИ

Шеърни руҳ танийди, ақл унинг олди-да адашади. Афсона айтадики, жон танга қуй билан кирган. Қуй — оҳанг шеърнинг жони, шул сабаб шоирни оҳанг билдиради. Чина-кам шоир оҳанг билан туғилади, шеъри-ятга ўз оҳангини олиб қиради. У ҳар оҳанг-га йўрғаламайди. Оҳангсиз, "шоир"ман деган соядай гап. Рауф Субҳон Самарқанд вилояти Иш-тихон туманига қарашли Оқтовнинг кун-гай тарафидаги Зарбанд қишлоғида ту-ғилди. Мактабини тугатган ўспирини Тош-кент деган катта шаҳар бағрига олди. Шеърятга муҳаббат уни давраларга қўлиди... Илк машқларини тенгдошларига илдинди, устозлар сўхбатига пишиди, шоир бўлиб танилди.

Кўнгиладан қуйилган бу мисралар таби-ий оҳанг билан дилга яқин. Шеърятда Ватанинг қиёслари, ташбеҳу рамз-тим-соллари кўп. Ватан ва муҳаббат шеъри-ятнинг азал мавзуси. Бу азал-абад мав-зуларни ҳар бир шоир қайта кашф этади. Унинг шоирлик қуввати шу нуқталарда на-моён бўлади. Мавзу инкишофидаги тадрижийлик шоир шахсининг бутунлигидан сўзлайди. Асардан асарга, худди ари уясига тўпланган болдек, мавзу ях-литлашиб, бир БУТУНлик касб этади. Уни қийнаётган, кўнглининг туб-туби-да тўпланиб, тобора улканлашиб бо-раётган оғриқ-армонлар, қувончу шодликлар ўз ташбеҳ, рамзларини то-пиб шеърга айланади. Рауф Субҳон

лирик қаҳрамони ботинига дунёни сингдирган кўз ёш — Ватанин Сабр билан суяди. У тўлқиндай турланмай-ди, ўзини кўз-кўз қилмайди. Барча ноъматларни тортиқ қилаётган Туп-роқдай сабрли бўлишни афзал била-ди. Тупроқдай сабрли одам дилидаги дардларга ҳаёлда кенг далалар, вақ-тдай соқин оқаётган дарёлар, "танг-рининг қудрати акс этган" улкан тоғ-ларгина сирдош бўла олади:

**Узоқлар чорлайди бағрига мени,
Айниқса, дарёлар, қишлоқ, ўзонлар,
Чўққидан кузатсам атроф, аворини...
Тондай қадрламас, билсам, мезонлар
Дардлари уюлган мендай бедорни...**

Дардсиз шеърятга юпундир. Шоирнинг дарди барча кўнгилларида акс садо бе-ради. Шеър дардини олиб кўнгиллр юпач топади, ўз мунғдошини таниб ёришади. Сўзнинг юки оғир, сўзини "Юк" қисматга айлантиради. Эҳтимол, қисмат сўзини ча-қирар. Кўнгилдаги турфа кечинмалар, "қора қўти"даги ўй-фикрлар қуюнини жи-ловлаб, оламга ошкор этиш осон юмуш эмас. Даллилик ва даҳолик чегарасидан ўтувчи бу йўлнинг савдоси савдогарлик билан келишмайди.

**Дархаллар турибди қишининг қошида,
Термулб тўқилган хазонларига.
Мен унинг дардларин асрай бошладим,
Асрадим ҳаттоки армонларини.
Дархаллар тебранир, бутунни ҳайдар,
Бурбурлар ердамас осмонда каби.
Кўшлар қайтишини уларга айтар
Бойчечаклар унсан ариқ лаблари:**

Қаранг...қайтмоқда... айтган байтларинг,
... Дувулаб бағрига қўйган дардларинг...

Рауф Субҳон лирик қаҳрамони воқе-аларни, ҳаётни четдан кузатаётган одам-га ўхшайди. У талотўп қўлқарига кирган, улоқ олиш илинжида ол солганларга бир истеҳзо билан қарётган томошабиндек кўринади. Бу сиртқи таассурот, аслида бутун "ғалаён"лар шу Сабр билан тоғ-дай турган "томошабин"нинг ботинида кечаётганини хис этасиз, Сабрининг ҳиқ-матини топган одамни таний бошлайсиз. Унинг:

**Агар иқтидори юлдуз терса ҳам
Орсизга гоиллик бўлмас ҳамдам, —**

деб, хулоса чиқаришига Сабр имкон бер-ганлигини англаб етасиз.

Сўзнинг юкини Сир белгилайди. Сир очилмайди, кўз юмиб тингланув-чи мусиқадай кўнгилга сингишади... Кўнгиладан сирдошларини то-пиб мунғлашади. Ана шунда "томо-шабин" лирик қаҳрамон фаол лирик қаҳрамонга эврилади. Шеърнинг кўнгил мулкнинг изҳори, деб ата-лиши ҳам шундан. Рауф Субҳоннинг ақсарият шеърлари кўнгил кечинма-ларининг сувратларидир. Шундай намуналарда шоир Менини аниқ кўрамай...

Бу кўнлар олтишини қаршилаётган Рауф Субҳонни кўтлар эканмиз, ёздиқ-лари ҳикмат бўлиганида ҳамиша баҳра-манд бўлишини тилаб қоламиз.

**Шомирза ТУРДИМОВ,
филология фанлари доктори**

Адабий-бадий нашрлар

"ЁШЛИК" 2018 йил 1-сон



"Жараён" рукнида берилган Н.Шодиевнинг "Дам шу дамдир..." сар-лавҳали мақоласида мам-лакатнинг эртанги куни бўлган ёшлар ҳаётига доир муаммолар, уларнинг ил-дизлари ва ечим учун амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида фикр юритилади. "Олисидаги елканлар" номли янги туркумида шоир Ҳумоюн қорақалпоқ диёри, унинг фидойи, доно инсонлари, атоқли санъаткорлари, қадим қалъаларини эхтирос билан қаламга олган. Таниқли шоир Муҳаммад Раҳмон ҳаёти лаҳзалари муҳрланган фотосуратлар, у ҳақда-ги дил сўзлар, шунингдек, карикатурачи рассом Махдум Эшонқуловнинг сўхбати ҳам журналнинг ушбу сонидан босилган. Ёш ижодкорлардан Жасур Кенгбевнинг ҳико-яси, Жонтемир, Мирзохид Музаффарнинг шеърлари бугунги ижодий жараёнда ёшларнинг изланишлари ҳақида муайян тасаввур беради. Шарқшунос олим Абдусаттор Жуманиёзовнинг "Тириклик ёмбиси" сарлавҳали мақоласи, Олим Отахон таржимасида берилган машҳур адиб Ҳулио Кортасарнинг "Лиана йиғляпти" ном-ли ҳикояси ҳам журналнинг ушбу сон мунда-рижасини бойитган.

БАХТГА БУРКАНГАН АЁЛ

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида радио, телевидение орқали янграган "Куйла, даврим ҳур қизи", "Аяжоним, койиманг", "Гулчи қиз", "Ким ўзи?", "Ошиқ" каби шўх-шан кўшиқлар мухлислар тилидан тушмасди. Булар ўзбек эстрадасининг тамал тошини қўйган атоқли санъаткор Ботир Зокиров билан бир даврда сахнага чиққан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Шарипова ижодининг илк намуналари эди. Ана шу кўшиқлариёқ хонанданинг ёқимли овози, актёрлик маҳорати ва дилбар ижроси туфайли мухлислар қалбидан жой олди. Бундай жозибали овоз бастакорларни янги-янги эстрада кўшиқлари яратишга илҳомлантирди. Ҳақиқатан ҳам кўшакларни маза қилиб эшитадиганимиз Раънохон асли шифокор экан-ку!" дейишарди. Биз ҳам санъаткорга: "Нима учун аввал бошдан санъат йўлини танламагансиз?" деган савол билан юзландик.



омам билан бирга театрда кечган дамларим мен учун катта мактаб бўлган. Айтганимгиздек, бугун баъзи ёш ижрочиларнинг кўшиқларини эшитганимда, уларнинг тилга, матнга эътиборсизлиги, талаффузидоғи Галиялардан ранжийман. Ахир, буюк Алишер Навоий "Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз" деб бежиз айтмаган. Халқ номидан куйлаётган одамнинг шу халққа беҳурматлик қилишга ҳаққи йўқ.

— Яхши биласиз, отам Байзо Шарипов санъатни ниҳоятда севган, мақомларни билган ва куйлаган, бир неча йил юртимизда лавозимларида ишлаган. Онам Берта Давидова-Шарипова дастлаб раққоса, драма актрисаси, 1934 йилдан Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри сахнасида бош ролларни ижро этиб, эл олқишига сазовор бўлган санъаткор эди. Ота-онам санъат кишилари бўлганлари учун мени кийинчиликлардан, сахна ортида кечадиган турли гап-сўзлардан асраш мақсадида тиббиёт соҳасида ишлашимни хоҳлаган. Аслида болалгимдан театрда, уйимиздан қадами узилмайдиган санъат аҳли орасида катта бўлганман. Куйлашни жуда яхши кўрардим, ҳатто тушларимда ҳам куйлардим. Энг кичик уч опа-сингил биргаликда уруш даври кўшиқларини айтиб юрардик. Богчада, кейинчалик мактабда ҳаваскорлик тўғрисида ҳам қатнашганман. Шу ерда кейинчалик таниқли композитор бўлган Евгений Живаев билан танишганман. Мактабни тугатиб, ҳужжатларимни Тошкент медицина институтига топширдим. Ректорнинг тақлифи билан ўн тўрт кишилик оркестр тўзланди. Учунчи курсдан концерт бера бошладик. Албатта, ҳам ўқиш, ҳам куйлаш осон бўлмаган.

— Раъно опа, билишимча, сиз евро гуруҳида ўқигансиз. Лекин кўшиқларни ўзбек тилида жуда яхши айтасиз. Ҳозир ўзбек мактабиде ўқиган баъзи хонандаларнинг сўзларини нотўғри талаффуз қилиши, урғун нотўғри қўйиши гашига тегади.

— Хонанда қайси тилда куйласа, ўша тилнинг талаффузи, қонун-қоидаларига риоя қилиши шарт. Бу, аввало, тилга ҳурмат. Қолаверса, кўшиқчи пала-партиш ижро этиш маданиятсизлик, савиясизлик белгиси. Тўғри айтдингиз, рус гуруҳида, европача тарбия кўрган одамлар орасида катта бўлганман. Шу боис рус тилида эркин гапирарман. Лекин ўзбекча урф-одатлар, анъаналарга риоя қилинган санъаткорлар оиласида, ўзбек муомтоз мусиқаси ва ашулалари ҳамма янграб турадиган, ўзбек ва тожик тилларида эркин сўзлашадиган хонандоғи тарбияланганман. Бундан ташқари хонандонимиз Тамарахоним, Қори Қаюбов, Абдор Хидоят, Малик Қаюмов, Миротир, Ҳалима Носирова, Мутал Бурхонов каби ўзбек санъатининг забардаст вақиллари билан гапур бўларди. Айтмоқчиманки, ана шу омилар орқали ўзбекча талаффуз қон-қонимга сингиб кетган. Айниқса,

— Биринчи навбатда ўзимга ёққан, қалбимга уқун ташлаган шеърни танлардим. Кейин композитор билан иш бошлардим. Жомий, Низомий, Махтумқули шеърларини кўшиқ қилганман. Пулат Мўмин, Маъруф Қориев, Саида Зуннунова, Хусниддин Шарипов каби шоирлар билан яхши ҳамкорлик қилганмиз. Улар сўз устида ишлаган оғринмасди. Эътироз билдирилган сўз ё мисраларни қайтадан ёзиб беришарди. Композиторлар билан ҳам жиддий ҳамкорликда ишлардик. Шу ўринда Сайфий Жалил, Мухаммад Мирзаев, Эдуард Қаландаров, Энмарк Солиҳовдек ажойиб санъаткорларни эслаб ўтишни бурчим, деб биларман.

Айни пайтда эстрада санъатининг таниқли намоёндалари Александр Пахмутов, Илья Резник, Иосиф Кобзон, Раймонд Паулс каби санъаткорлар билан яқин ижодий ҳамкорлик қилишга, фикр алмашишга, уларнинг эътирофини эшитишга муваффақ бўлганман. Хурсандман. Айниқса, ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида бўлган бир воқеа ёдимдан чиқмайди. Ҳиндистонлик ўқитувчи танловда рус кўшиқларининг чет эллик моҳир ижроси сифа-

тида голиб бўлади. Шу сабаб Шубра исми бу аёл бутун шўро республикалари бўйлаб саёҳат қилиш имтиёзини қўлга киритади. Мени ҳайрон қолдиргани, Ўзбекистонга келган захоти Раъно Шарипова деган хонанда билан учраштирилгани сўрайди. Шубра билан учрашганимизда бирга кўшиқлар куйладик. "Дайди", "Жаноб 420" фильмларидан ҳиндча кўшиқлар айтиб берганимда, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Ҳаётимда бундай воқеалар жуда кўп бўлган. 1975 йил кўшиқлари танловда лауреат бўлганим ёдимдан чиқмайди. Якуний концертда қатнашиш учун Москвага йўл олганмиз. Об-ҳаво ноқулай, қор, совуқ сабабли Ленинградга кўнган самолёт ичиде тўрт соат ўтирганмиз. Москвадаги меҳмонхонага етиб келгунча анча машаққатли йўлни босиб ўтганмиз. Совуқ ҳавода узоқ ўтириб, иситмам чиқиб кетган. Катта сахнада 38,5 даража иситма билан кўшиқ айтганман. Энг муҳими, жонли ижрода куйлаганман. Ҳақиқатда фақат жонли ижрода айтганман.

— Билишимча, сахна либосларингиз, пардоздан тортиб бошқа барча ташкили ишларгача ўзингиз шугулланар экансиз...

— Тўғри. Ахир, театрда катта бўлганман-ку. Ёшлигимдан ҳамма

нарсани тайёрлашни ўрганганман. Тикишни биламан. Хар бир концерт ва суратга олиш жараёнига матони, бичимни ўзим танлаганман ва истаганимдек тиктириб кийганман. Мода кетидан қувиб, қимматбахо либослар харид қилишга ружу қўйган эмасман. Пардоз масаласида ҳам шундай. Барча зарур нарсаларни ўзим танлаб, пардозни ҳам, соч турмагимни ҳам ўзим қилардим. Эҳтимол, баъзида қўямда бирхиллик кўзга ташланиб қолгандир. Лекин бу менинг имижим, менинг қиёфам. Хуллас, сахнадаги қиёфамни ўз ҳисобимдан яратганман. Ҳатто ижодим ҳақидаги дастлабки фильм-концертларда ҳам оддий либосларда чиққанман. Кийимларим ҳозиргача сақланиб қолган.

Ҳозир баъзи хонандаларнинг чиқишларини кўриб ҳайрон қоламан. Битта кўшиқ туғалгунча беш-олтита кўйлак алмаштиришади. Тоғда ҳам, богда ҳам концерт либосида кўшиқ айтади. Қизик, у кўшиқ куйлайдими ё кийимини реклама қиладими? Ваҳоланки, асосий эътибор ижрода бўлиши керак. Ижро жараёнида сахнада у ёқдан бу ёққа югуриш, залга қарата қичқириш, қарсаки сўраб олиш — булар ҳақиқий санъат кишининг иши эмас. Эҳтимол, баъзилар бугун бошқа давр, ёшлар шунга талаб қилаяпти, дейишар. Лекин санъаткор ёшларни ортидан эргаштирадиган кучга эга бўлиши, уларнинг ортидан югурмаслиги керак. Сахна, телевидение, радио — маданият, маънавий тарғиботи ўчоқлари. Хар бир санъат кишиси зиммасидаги шундай улкан юкни ҳис этиб ижод қилиши лозим. Бугун ёшларимизда ўз иқтидорларини намойён этишлари учун барча шарт-шароит ва имкониятлар бор. Афсуски, бадий мукамал кўшиқчи топшиш мушкул бўлиб қолди. Ваҳоланки мен учун бу борада ҳеч қачон муаммо бўлмаган. Ҳозир баъзи хонандалар кўшиқларини айтишга рухсат сўраб мурожаат қилиб қолишади. Баъзан ўзлари эмас, кимлардандир сўраттиришади. Ишлагилари, бош қотиргилари келмайди, ҳайронман. Яхши шоирлар, шеър китоблари кўп. Ҳўши, изланиш, ижод қилиш керак. Албатта, ижоди билан халқ меҳрини қозонганлар бундан мустасно.

Биз Раъно опа билан анча сўхбатлашдик. Очиги, айтилмаган гаплар, эсланмаган инсонлар қолмади ҳисоб. Айниқса, санъаткорнинг ота-онаси ҳақидаги хотиралари битмас-туганмас. Онаси, ўз даврининг бетақор актрисаси Берта Давидова-Шарипованинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида, оиласи ҳақида ёзган китобининг ўзи бир олам. Шу ўринда Раъно опанинг онаси ва маком кўшиқлари ижросида Берта Давидова-Шариповага "Мулло" икки хил санъаткор бўлганини айтиб ўтмоқчиман. Ҳали санъат муайяна, китобхонлар Р.Шарипова биткиларидан ўзларини қизқирган кўйлаб саволларга жавоб топадилар, деб ўйлайман. Раъно Шарипова билан мулоқотда бўлиб яна бир бор ҳис қилдимки, одам ўйлаган ниятини амалга ошириш йўлида ҳеч қандай тўсиқдан қўрқмас, албатта, ҳаётининг қизқарли, намунали, бетақор кечилишига йўл очаркан.

Тиббиёт соҳасида қирқ йил, санъатда эллик йил (қаранг-а, қўшилса 90 йил бўлади) баракали ижод қилган Р.Шарипова бугун ҳар қанча фахрланса арзийди. Улуғ ёшчи қоралаб қолганига қарамай, санъаткор ҳамон ўз устида ишлаш билан банд. Барча кўшиқларини саралаб, хотираларини жамлаб, компьютерга "мих-лаб" қўйяпти. Раъно опанинг техника билан ишлашига ёшлар ҳавас қилса арзийди. Сўнгги ўн йил давомида Эстрада симфоник оркестри, хор жўрлигида "Лайли ва Мажнун" операсидан Лайли арияси ("Уйшўк"), бетақор санъаткор, соҳнада Турғун Алиматов жўрлигида "Тошкентимга жоним тасаддуқ", "Энг гўзал кўшигим", "Дийдор ганимат", "Тошкент — Париж", "Халқимга таъзим" каби бир неча кўшиқлардан иборат телевизион дастур тайёрлади. Устоз санъаткорнинг ижро жараёнини кўриб-кузатиб, унинг сахна маҳорати, ҳушқомат, гўзал қиёфаси, қўшиқчи қалбани ҳис этиб куйлаши бугунги ёшларга ўрнак эканига ишонч ҳосил қилдим. Раъно Шарипованинг энг катта ютуқларидан бири, шубҳасиз, оиласи — турмуш ўртоғи Пулат Юсупов, ўгли Ботир Юсупов, қизи Заринабону Юсупова ҳамда ўқимишли набириларикидир. Бугун невар ва эварлари даврасида, турмуш ўртоғининг меҳрибонликлари остида, машаққатли меҳнатлари эвазига бахтиёр ва осуда умр кечираётган Раъно Шариповага узоқ умр тилаймиз.

Гулчехра УМАРОВА

Юртимизда таниқли раққоса ва балерина Галия Измайлованинг номини билмаган ва эшитмаган одам бўлмаса керак. Ўзим ҳам бу бетақор санъаткорнинг раққосадан, балет спектаклида яратган образларидан хабардорман.

1941 йили, отасининг вафотидан сўнг Томск шаҳридан онаси билан Тошкентга келган Галия Боязитовна бир умр Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида балерина сифатида фаолият кўрсатди. Ижоди давомида элликка яқин спектаклда бош партияларни ижро этди. Балетмейстер ва бош балетмейстер сифатида ўттиздан ортиқ спектаклларни сахналаштирди. Айни пайтда ўзбек раққосларининг моҳир ижроси сифатида дунёга танилди. Санъаткор нафақат ўзбек, балки хитой, ҳинд, араб, корей каби турли давлатлар раққосларини ҳам мухирона ижро этиб, мухлислар муҳаббатини қозонди.



БАЛЕТ МАЛИКАСИ ЭДИ

— Галия опани 1953-йили, балет мактабиде ўқиб юрганманда "Қизил лола" спектаклида кўрганман. У фақат балерина эмас, балки қаҳрамонлар образини очиб беришга қодир драматик актриса ҳам эди. Кўп йиллик фаолиятим давомида бошқа бундай фазилатга эга балерина-актрисани учратмадим. Г.Измайлова бир оғиз сўз айтмай туриб, юксак техникани намойён қилган ҳолда ҳар бир ҳаракати билан томошабин қалбини забт этарди. Айниқса, бу борада "Эсмеральда" балетидеги шу номли образ ҳамма-нинг ёдида қолган. Бу ижронинг ҳеч қандай тақдирлолма керак. Яна "Мис Чавандоз"даги камбағал қишлоқ қизи Параша образини Галия Измайлова ижодининг ноёб саҳифаларидан бири, дейиш мумкин. Бу каби бетақор образлар санъаткор ижодида оз эмас. Унинг балетмейстер сифатидаги ишларини айтмайсизми? "Севги тумори", "Муҳаббат афсонаси" каби балетларни шунчаки сахнага қўймаган, балки дунёга келтирган.

Шундай вақтларда қани энди ўша пайтларда бугунги техник имкониятлар бўлса, деган гап хаёлингга келад. Афсуски, бу спектакллар фақат кўрганларнинг хотирасида қолган, ҳолос. Қўрқмас Соатов ҳузуридан чиқар эканман, оёқларим ўз-ўзидан Галия Измайлова бутун борлигини бағишлаган театр томон йўл бошлади. Репетиция туғалгач, театр бош балетмейстери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Турсуновни сўхбатга тортдим.

— Мен устоз санъаткор билан ишлаш бахтига муяссар бўлган шоғирдлардан бириман, — дея сўз бошлади ижодкор. — Том маънода гўзал, талантли бу балерина ҳамма раққослар

билан ишлаш ҳам қийин, ҳам осон эди. Оддийгина айтганда, Галия опа ҳақиқий профессионал бўлган. Афсуски, бундай улуг инсонлар ҳар кунни туғилавермайди.

Шуни айтиш керакки, Ш.Турсунов Галия Измайлованинг шоғирдигина бўлиб қолмай, партнёр сифатида ҳам бирга ижод қилди. Ҳали хореография мактабиде ўқиб юрганидаёқ, театрда ишлаган отаси уни санъаткор билан таништириб қўйганди. Ҳанда Г.Измайлова ҳазиллашиб: "Ҳали бирга раққоса тушамиз" деганди. Дарҳақиқат, театрга келгач, Шавкат биринчи спектаклида — "Севги тумори" балетиде Г.Измайлова билан раққос тушган. Кейинчалик бошқа балетларда ҳам дуэтдош бўлган. "Баъзилар ҳақида гапирганда "из қолдирди", деган иборани ишлатишди, — дейди Ш.Турсунов. — Галия Боязитовна бизга катта мерос ва ўзидан амбағий хотира қолдирди. Шахсан менга санъат сирларидангина эмас, одамийликдан ҳам сабоқ берди. Театрга қадам қўйган ёшлар учун Галия Измайлованинг ҳаёти ва ижоди ёрқин намуна бўлиши керак".

Дарҳақиқат, санъаткор ҳатто балет ташвишларидан овоз бўлган пайтларида ҳам ҳар кун эрталаб театрга келар, залга кириб машқ тутикчи ёнида коматини тик тутиб, соатлаб машқ қиларди. Ёшлар ундан ибрат олиб ижод қилишарди. Бугун ана шундай бетақор санъаткор орамизда бўлганда 95 ёшини нишонлаётган бўлардик. Галия Измайлованинг ишлари, ижоди шоғирдлар фаолиятида давом этмоқда. Демак, санъаткорнинг иккинчи умри бошланди.

Флора ФАХРУДИНОВА

УМИДЛАРИ ПОРЛОҚ УМИДА



Истиқлол фарзандлари

да рангасвир йўналишида биринчи ўринни, графика йўналишида иккинчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, фестивал доирасида ўтказилган "Я могу" ("Мен буни урдалайман") маданий-маърифий лойиҳаси натижаларига кўра, уни келажги порлоқ ёш мўйқалам соҳиби сифатида "Artis" мукофотига ҳам тавсия этилди.

Умида ўз олдига жиддий мақсадларни қўйган. Биринчи навбатда, тасвирий санъат сирларини ўрганишда давом этиб, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига ўқишга кирмоқчи. Халқаро фестивал ва кўргазмаларда ҳам мунтазам қатнашишни ниҳоятда. Ватанимиз тарихи, урф-одат ва қадриятларига бағишланган шахсий кўргазма ташкил этиш ёш ижодкорнинг катта орузи.



Умида Қаҳрамонова чизган суратларни кўздан кечирганда, улар Маданият коллежи ўқувчисининг қаламига мансублигини билиб ҳайратланасиз. Тўғри, истеъдоқ ёш танламайди. Лекин рассомликда бундай маҳоратга эришиш учун кўп йил машаққатли меҳнат қилиш талаб этилади. Умида эса ҳали ўн саккиз ёшга кирмай туриб манзара, портрет, натюрморт каби жанрларда эркин ижод қилмоқда. У, айниқса, мамлакатимиз тарихи, миллий анъаналаримизга жуда қизиқади. Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадим шаҳарларимиздаги гўзал обидалар акс этган акварель ва графика ишларида ўтмиш билан ўзига хос мулоқотни кўради. Шу билан бирга, ёш ижодкор замонадошлари, уларнинг ҳаёт тарзини диққат билан кузатади, эътиборини тортган воқеаларни оқ матога қўйишади.

Ўтган йили Россиянинг Қозон шаҳрида бўлиб ўтган "Казанские узоры" XVIII халқаро болалар фестивалида Уми-

«Ўзбекконцерт» ҳаётидан

Маданият вазирлиги «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси, Ўзбекистон Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида "Бастакорлар кенгаши" ташкил этилди. Кенгашнинг биринчи йиғилишида иштирок этган таниқли бастакор ва балетмейстерлар Ҳабибулло Раҳимов, Ўлмас Расулов, Султонали Маннопов, Аҳмаддон Дадаев, Қодир Мўминов, Насиба Мадрохимова, мусикашунос олимлар Оқилхон Иброҳимов, Ирода Ганиева ва бошқалар янги ижодий лойиҳалар яратиш, Муқаррама Турғунбоева номидаги "Тановар" Республика

ЯНГИ КЕНГАШ

«Ўзбекконцерт» бўлим бошлиғи, санъатшунос Аҳмаддон Раҳимов бастакорлар кенгашининг асосий мақсади ҳақида гапириб, мақсад раққос жамоаларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг репертуар фаолиятини шакллантириш ва бойитиш, ёш ва истеъодли бастакор ҳамда балетмейстерлар, раққос ва раққосалар ҳамкорлигини, раққос санъатининг мустақ адабиёти, шеърлати, театр ва шашмақом меросимиз билан алоқасини ўзбекчамақлаш, "Миллий раққос театри"ни ташкил қилиш каби вазифалардан иборатлигини таъкидлади. Зеро, раққос санъати катта бадий асар сифатида ҳар бир томошабинни ўйлантириши, ҳайратлантириши лозим. "Миллий раққос санъатининг ривожланиш тарихи, долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари" мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференцияда Маданият вазири Б.Сайфуллаев "XXI аср раққос санъатининг томошабинга таъсир кучи Муқаррама Турғунбоевнинг "Тановар"и ва "Муножот"и каби бўлиши керак", деган эди. Йиғилишда М.Турғунбоева номидаги кўрик-танловни тайёрлаш ва юқори савияда ўтказиш, келгусида "Миллий раққос театри"ни ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ўз ахборотимиз

КЎЧАТ ЭКИБ, БОҒ ЯРАТАЙЛИК

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси ректор Иброҳим Йўлдошев бошличилида институтнинг Фарона виллояти ва Нукус шаҳар филиали билан биргаликда Орол бўйи ҳудудларида 100 минг туп ниҳол экишни режалаштирган. Жойларда, асосан, калифорния тераги, тол, турангил ва бошқа турли мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Айни кунларда Қўқон шаҳридан Нукусгача махсус транспортда ишчиларни таш-

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Муайян соҳанинг етуқ мутахассиси бўлиш учун ўша соҳа бўйича пухта билим, зарур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан хабардор бўлиш талаб этилади. Шу маънода Санъат ва маданият институти профессори Азамат Ҳайдаров тайёрлаган "Харакатлар стратегияси ва маънавий юксалиш" номли тўпламининг нашр этилгани эътиборга молик. Тўпламда давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан имзоланган маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган фармон ҳамда қарорлар жамланган. Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган бу китобнинг масъул муҳаррири профессор Б.Сайфуллаев. Сўзбоши муаллифи филология факультети доктори, профессор М.Йўлдошев.

Ушбу рисоладан, аввало, маданият ва санъат соҳаларининг барча бўғинларида фаолият юритаётган раҳбарлар, шунингдек, ходимлар кўлланма сифатида фойдаланади. Қолаверса, маънавий-маърифий соҳа вақиллари учун амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини теран англаб, ҳаётга таъбиқ этишда илмий-назарий ҳамда амалий кўмак вазибасини ўтайди.

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ, институт магистранти

АЁЛЛАРГА АТАЛГАН ГУЛЛАР

Баҳор ижодкорларга илҳом бағишловчи, мўъжизаларга бой фасл. Айниқса, рассомларнинг ижодида бу фаслда ўзига хос мавзуларда янги-янги асарлар яратилади. Ўзбекистон халқ шоири Зулфияxonим таваллуд куни муносабати билан бошланган шеърят байрами баҳорий кўргазмаларга уланиб кетди.

Бадий академиянинг кўргазмалар залида икки юздан ортиқ турли ижод намуналари намойиш этилмоқда. Бу экспозиция ижодкорларнинг аёлга муносабати талқинидир. Акмал Нуриддиннинг "Уч Зебо", "Емгирли куй", Хуршид Зиёхоннинг "Бинафша ранг кун", Файзулла Аҳмадалиевнинг "Бухородаги кўча", Зокир Фармоннинг "Момо ва набира" каби композицияларида аёл ва баҳор фаслининг уйғунлиги тараннум этилган. Хайкалтарош ва куллардан Ф.Деденёвнинг "Баҳор" тўпламидаги сопол буюмлар, М.Бородина инсталляцияси, Г.Ражабовнинг ёгондан асалган "Келин"и, Н.Кўзиевнинг "Шамчироклар" каби асарлари томошабинларда катта таас-

сурот қолдирмоқда. Рассом В.Ханов фасл ва аёллар ўртасида ўзига хос боғлиқликни топган. Масалан, кўкларни ҳомилдор аёлга қиёслайди. Бу гаройиб топилма ёшларда қизиклиш уйғотмоқда. Нодира Орипова, Дилором Мамедова, Исра Шин, Людмила ва Диана Содикова, Флорида Гамбарова ва Любовь Тиоранинг турфа гуллардан тузилган композициялари томошабинларни оҳанрабодек ўзига тортмоқда.

— Аёл рассомлар ижодини кузатар эканмиз, уларнинг асарларида илгариги сокинлик ўрнини ёруғлик тўлдириб бораётганини ҳис этамиз, — дейди рассом Хусан Содиков. — Бетақдор чизилган ҳар бир асарда борлиқнинг мусаффолиги мўъжас.

Халқаро Маданият карвонсаройида таникли рассом Юрий Гребенюкнинг эликдан зиёд ижод намуналари на-



мойиш этилмоқда. Рассом юртимизнинг сўлим гўшаларидаги фаслларнинг ўзига хос тароватини ифода этади. "Ўзбекистон тухфалари", "Баҳорнинг биринчи кун", "Бахтли ҳаёт", "Акс", "Тоғларда куз тонги", "Ёқимли шамол"

си сеҳрли диёримизнинг чиройига чирой кўшиб, уни кадрлаш ва асраб-авайлашга ундайди. Айниқса, турфа гуллардан тузилган гулдасталари жонлидек таассурот қолдиради. Эзгуликка, инсонийликка даъват қилувчи ушбу асарлар томошабинларга манзур бўлмоқда.

Шу масканда 2015 йили "Ёш рассомлар" кўрик-танловининг республика босқичида голибликни кўлга киритган Олтиной Шодиевнинг "Жозоба" номи кўргазмаси очилди. Унда муаллифнинг қирқдан зиёд ишлари намойиш этилмоқда. Айни пайтда Миллий рассомлик ва дизайн институтининг учинчи босқич талабаси бўлган Олтиной мўйқаламда гўзал дам олиш жойлари, тоғлар, Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги тарихий обидалар ва Тошкентнинг ажойиб манзараларини яратган. Унинг "Ҳаёт", "Қоратош. Эски шаҳар", "Келин", "Эрта куз", "Шаршара" каби асарлари кўпчилигини диққатини тортмоқда. Тасвирий санъат фестивалларида фаол иштирок этиб келаётган ёш рассом дипломи ва сертификатлар билан тақдирланган.

Кўнгиш кўзи ГўЗАЛЛИК МАЪБУДАЛАРИ

Аёл сиймоси, унда мужассам гўзаллигу жозоба, улуғворлик ҳамма мўйқалам соҳибларини ўзига асир этиб келган, қалбига илҳом бағишлаган. Кўлаб машҳур рассомлар ҳаёти, ижоди бунга ёрқин мисол. Улар яратган бетақдор аёл портретларига ҳар гал назар солинмишда қалб тугўналарини, абдий гўзаллик, муҳаббат қудратини ҳис этамиз.



Рус шоираси Анна Ахматованинг катта ижодга кириб келиши тасвирий санъатда авангард йўналишининг ривожини билан уйғун келган. Шу боисми, шоиранинг энг машҳур портретларидан бирини авангард устаси Натан Альтман яратган. Ушбу асар 1914 йили шоира Санкт-Петербургда яшаётган пайтда чизилган. Уша вақтда турмуш ўртоғи, рус шоири Николай Гумилёв билан ажрашган Ахматованинг қиёфасида маҳзун кайфият қукмрон. Унинг нигоҳлари бир нуқтага қараган, ҳаёлини турли уй-фирқлар банд этган. Бироқ дераздан қўринадолдирмагани шоиранинг кўнгишда ҳам эътироф этилган:

Кўзуга боққандай боқдим дилгашлик
Куларан суратимга, ҳар ҳафта гўё
Тобора аччиқроқ, галат ўхшашлик
Ўзим билан янги тасвириро аро.

Уйғониб даврининг буюк ижодкори Сандро Боттичеллининг "Венеранинг дунёга келиши" картинасидаги, бир неча аёл тасвирланган. Лекин улар орасида асар марказидаги Венера образи алоҳида ажралиб туради. Ренессанс даврининг тинимсизлиги айланган бу машҳур сиймо юнон асотирларида гўзаллик маъбудаси саналса-да, унинг қиёфасини мўйқаламда яратишда реал аёл қиёфаси намуна сифатида хизмат қилган. Мутахассисларнинг фикрича, Венера образида рассомнинг замондоши, флоренциялик соҳибжамол қиз Симонетта Веспуччи тасвирланган. Узининг хусну милоҳати, гўзал одоби билан бутун Италияда доврғ қозонган бу аёл кўлаб ижодкорлар, жумладан, Боттичеллининг ҳам илҳом парисига айланган. Рассомнинг деярли барча Мадонна ва Венераларида унинг қиёфаси акс этган. Аммо Симонетта 23 ёшида сил касаллигидан вафот этади. Каттиқ қайғуга ботган Боттичелли қиз сиймосини ўзининг энг машҳур асари — "Венеранинг дунёга келиши" картинасида қайта жонлантиришга ҳар қилган. Бу образ рассомнинг қалбидан шу қалар чуқур ўрин эгаллагани, у вафотидан сўнг ўзини қизнинг қабри ёнига дафи этишларини васият қилган.

Огюст Ренуарнинг "Актриса Жанна Самари портрети" буюк импрессионизм йўналишининг ёрқин намуналаридан бири сифатида эътироф этилган. Рассомнинг илҳом парисига айланган Ж.Самари Париждаги "Комедия Франсез" театрида ишлаган. Саҳнада ижро этган роллари актрисага катта шухрат келтирмаган. Шунга қарамай, Ренуар бу аёл сиймосини акс эттирган тўртта портрет яратди. Улар орасида энг машҳури 1877 йили чизилган. Унда актрисанинг юз қиёфаси тасвирланган. Ёрқин ранглар уйғунлигидан маҳорат билан фойдаланган рассом фақат бир лаҳзада намоён бўлувчи аёл кишининг оний гўзаллигини акс эттиришга эришган. Бу асар француз актрисаси сиймосини санъат тарихига муҳрлади.



Лидия Делекторская билан илк бор учрашишганида машҳур француз рассоми Анри Матисс 63 ёшда эди. Аввалига котиба сифатида иш бошлаган камтар қиз вақт ўтиши билан унинг энг яқин ёрдэмчиси, ишончли дўстига айланди. Кейинги йилгирма йил давомида Матисс бир зумга ҳам Лидиядан айрилмаган. У барча кўргазма ва сафарларда рассомнинг ажралмас ҳамроҳи, яқин маслаҳатчиси сифатида иштирок этган. Бу дўстликнинг ёрқин ифодасини Матисснинг унлаб картиналарида кўриш мумкин. Уларнинг энг машҳури 1947 йил яратилган "Лидия Делекторская портрети"дир. Унда рассом ўзи етакчилик қилган фовизм оқимининг асосий услубига содиқ қолган ҳолда, бир-бирита зид ёрқин ранглар, содда шакллардан унумли фойдаланган.

Матисснинг вафотидан сўнг Лидия ҳаётини рассом ижодини урганиш ва тарғиб этиш ишига бағишлади. Ўзига мерос қолган барча асарларни эса Пушкин номидаги тасвирий санъат музейига ҳадя этди.

Рус балеринаси Ольга Хохлова ва испан рассоми Пабло Пикассо 1917 йили, Дягелев балет жамоасининг Париждаги гастрол чоғида танишишди. Икки ижодкор қалбларда уйғонган муҳаббат шу қалар тез аянга оладик, ўша йилбўк ёш рассом элганлисини оиласи билан таништириш учун Барселонага олиб борди. Пикассонинг "Ольга испан либосида" номи машҳур портрети айнан шу пайтда яратилган. Бу даврда рассом ижодида модернизм оқимлар тасвири кучли бўлса-да, у бўлажак рафиқасининг портретини реалистик услубда чизган. Улар 1918 йил никоҳдан ўтишгандан сўнг ҳам Пикассо севики ёрининг портретини яратишда давом этган.

Ольга ва Пабло фарзанд кўриб, узоқ вақт бахтли ҳаёт кечиришганига қарамай, ажралишга мажбур бўлишди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бу аввало, Пикассонинг ижодий эркинликка интилиши билан боғлиқ бўлган. 1935 йили Пикассонинг бошқа аёлдан фарзанд кўрганидан хабар топган Ольга ўртадаги алоқаларни бутунлай узиб, ўғли Пауло билан Франция жанубига кўчиб кетди. Шундай бўлса-да, умрининг сўнггигача буюк испан рассомнинг рафиқаси бўлиб қолаверди.

А.ИМОМОВ тайёрлади.

НИГОҲ

Болалар бекати ОЗОД, ОБОД ВАПАТАНДА Табият

Бутун тоққа чиқдик биз,
Ойим, опам, мен, дадам.
Сайр элдик барчамиз,
Уйнаб-қулиб олдик дам.

Лола тердик қувониб,
Гулдасталар ясадик.
Нафас олиб ҳаводан,
Тоғларга раҳмат дедик.

Китоб жавоним


Жавонимда терилиб,
Турар қатор китоблар.
Алифбо-ю эртақлар,
Китобдаги офтоблар.

Уларни кўлга олсам
Очилар менга олам.
Билм олиб китобдан,
Ҳеч кимдан бўлмайман кам.

Она тилим

Дона-дона сўзларингдан,
Яйбар дилм сурурсан.
Бораяман изларингдан,
Она тилим, гуруримсан.

Навойдан мерос газал,
Ўзинг онг-у шуруримсан.
Табиятдек бунча гўзал,
Она тилим, гуруримсан.



Таниқ табассум

Озод, обод ватанда,
Нур ўйининг ҳар танда.
Болақонлар ўйининг,
Яйраб-яшнаб қувнасин.

Оталарнинг кўз нури,
Оналарнинг гурури.
Болалар омон бўлсин,
Қалби қувончга тўлсин.

Иброҳимжон ҒАФФОРОВ,
Кармана туманидаги
4-мактаб ўқувчиси

БИЛДИРИШ

2018 йил 13 март куни соат 15:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида **Наср кенгаши**нинг 2017 йил фаолияти якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлади.

2018 йил 14 март куни соат 11:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида **Халқаро адабий алоқалар ва бадий таржима кенгаши**нинг 2017 йил фаолияти якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлади.

2018 йил 16 март куни соат 11:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида **Шеърят кенгаши**нинг 2017 йил фаолияти якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлади.

Ушбу тадбирларга ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Чирчиқ шаҳрида юртимизнинг нуфузли ҳарбий билим юртидан бири — Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти жойлашган. Кўп йиллардан буён ҳарбий офицер кадрлар тайёрлаб келаётган билим юрти шу йил ўзининг 100 йиллигини нишонлайди. Шундай шонли тарихга эга масканда мўъжазгина музей фаолият юритиб келмоқда. Музейда кўлаб экспонатлар, жумладан, тарихий ҳужжатлар, билим юрти курсантларининг фаолияти ва ҳаётини тасвирловчи фотосуратлар, шахсий буюмлар, хорижий мамлакатлардан таширф буюрган меҳмонларнинг эсдалик совғалари, рангтабассур ва хайкалтарошлик буюмлари сақланади. Шунингдек, мустақиллик

ЮЗ ЙИЛЛИК МУЗЕЙ

йилларида республика миқёсида ўтказилган умумармия ўйинларида голибликни кўлга кириштириб, кўчма кубокка эга бўлган ҳарбий хизматчиларнинг кубок ва дипломлари ҳам мазкур музей фондидан ўрин олган.

Мустақиллик йилларида юртимизнинг ҳудудларида рўй берган диний экстремистик ҳаракатларга қарши курашда ҳалок бўлган аскарлар хотирасини абдийлаштириш мақсадида билим юрти батальонларида хотира бурчаклари ташкил этилган, музей фондига эса уларнинг планшет, ўқув қуроллари, фотосу-

ратлар сақланмоқда.

Россиянинг Нижний Новгород шаҳрида ташкил этилган ҳарбий билим юрти Иккинчи жаҳон уруши йилларида Чирчиқ шаҳрига эвакуация қилинган. Уша йилларда қаҳрамонлик кўрсатган ҳарбий хизматчилар ҳақида сўзловчи экспонатларни кўздан кечирган одам ўзбек халқининг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ва жасорати билан яқиндан танишишга муяссар бўлади.

Турли буюмлар, билим юртининг уруш йилларидаги фаолиятига бағишланган фотоальбом, китоблар, тарихий ҳужжатлар (фахрий

ёрлиқлар, таклифнома, ҳарбий хизматчиларнинг ён дафтарчалари) мазкур музейдан жой олган. Шунингдек, Чирчиқ шаҳрининг "Юлдуз" маҳалласига ўрнатилган уруш қаҳрамони, гвардия лейтенанти Вальдемар Шаландин бюсти яқинда билим юрти ҳудудига қўчирилди.

Айни вақтда музей ходимлари шаҳар миқёсида ташкил этилаётган турли маънавий-маърифий тадбирларда кўчма кўргазмалар ташкил этиш билан бир қаторда, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида тарбиялашга ҳисса қўшишмоқда.

Шоҳиста ОРИТҚОВА,
санъатшунос журналист

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТБУТОТ ТАРКАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзилмиз: uzas.gzt@mail.ru

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожидин
САЙИД

Тахририятга келган кўлемлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 00.05

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йили 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 5907. Буюртма Г — 382. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНАЛРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2383-634X

